2020 Янги йилингиз билан!

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

ЖАМИЯТ

№ 51-52 (685)
2019 йил
27 декабрь,
Жума

Ижтимоий-сиёсий газета | 2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган

www.bong.uz | jamiyatgzt@mail.ru



ХАЛҚ РОЗИЛИГИ ЭНГ КАТТА МУКОФОТ



«Мен кимга суянгайман...»



Одамийликнинг олий мезони

Шукух

Янги йил келмоқда

Тўхта. Сарҳисоб қил, бир оз ўзингни,
Сен айта олдингми йилга сўзингни,
Меҳрингга қондириб қора кўзингни,
Неки топган бўлсанг, муқаддас деб бил,
Эшик қоқаётир жўшиб янги йил.

Маърифат зиёси илмдир танҳо,
Бешта ташаббусга қўшдик беш баҳо,
Даҳолар юртидан туғилгай даҳо,
Ҳиссиёт авжида, қолмади бедил,
Эшик қоқаётир жўшиб янги йил.

Дўстим, дилда борин тингла, айтайин
Мозий яқин келар вақт ўтган сайин,
Умрнинг бир йили кетмоғи тайин,
Бу дамлар ғанимат, дил амрини қил,
Эшик қоқаётир жўшиб янги йил.

Маърифат карвони йўлдадир ҳамон,
Ақлу заковат-ла улғаяр замон,
Шу туйғу дунёни сақлайди омон,
Сир-Аму тўлгайдир, тўлгай ҳатто Нил,
Эшик қоқаётир жўшиб янги йил.

Бизга яқинлашар япон, олмонлар,
Чиндан ушалмоқда орзу, армонлар,
Юракка ёзилгай асил фармонлар,
Умидим каттадир, уйғон, эй кўнгил,
Эшик қоқаётир жўшиб янги йил.

Ҳар дилнинг ўзгача шитоби бўлгай,
Севиб ўқийдиган китоби бўлгай,
Чарақлаб тургувчи офтоби бўлгай,
Оғир тин оламиз ва бир оз енгил,
Эшик қоқаётир жўшиб янги йил.

Ашурали Боймурод

ҚИСҚА САТРЛАРДА ЎҚИНГ!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжонда «Йил одами» деб эътироф этилди.

Ижод мактабларида ватанпарвар ёшлар камолга етади

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 декабрь куни Абдулла Қодирий номидаги ижод мактаби ва музейни бориб кўрди.



Ўзбек романчилигининг асосчиси, ватанпарвар адиб Абдулла Қодирий хотирасига эҳтиром кўрсатиш, миллий адабиётимиз ривожига қўшган беқиёс ҳиссасини улуғлаш мақсадида Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан пойтахтимизнинг Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғи олдида ижод мактаби ва музей барпо этилди. Боққа кираверишда буюк ёзувчи ҳайкали ўрнатилди.

Давлатимиз раҳбари мазкур ҳайкалнинг очилиш маросимида иштирок этиб, унинг пойига гул қўйди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 декабрдаги фармойиши билан ташкил этилган Абдулла Қодирий номидаги ижод мактаби ўзбек тили ва адабиётини, бадиий ижод сирларини чуқур ўрганишга ихтисослашган.

Жорий ўқув йилида мактабнинг 5, 6, 7 ва 8-синфларига ижодий имтиҳонлар ва тест синовлари асосида 121 нафар ўқувчи саралаб олинди. «Ёш китобхон» республика кўрик-танлови ғолиби Зилола Шомуродова ҳам ижод мактабига қабул қилинди.

Бу ерда ўғил-қизларнинг таълим-тарбия олиши учун ҳамма шароит яратилган. Хоналар кенг, ёруғ, шинам ва қулай. Фан кабинетлари замонавий технологиялар ва ўқув анжомлари билан таъминланган. Кутубхона адабий асарлар, бадиий адабиётларга бой. Очиқ ва ёпиқ спорт заллари болалар спорт тўгаракларига қатнашиши, саломатлигини мустаҳкамлаши учун қулайликлар мавжуд.

Президент Шавкат Мирзиёев бу ерда яратилган шароитлар билан танишди. Ўқитувчи ва ўқувчилар билан суҳбатлашди.

– Абдулла Қодирий ижод мактабида ўқиётган бу болалар янги Ўзбекистоннинг келажаги бунёдкорларидир. Барча умумтаълим мактаблари ушбу ўқув даргоҳидан маънавиятни, маърифатни ўрганиши лозим. Чунки бу ерда таҳсил олаётган болалар нафақат маънавиятли, балки ўз ватанини юракдан севувчи истеъдод эгалари. Биз ижод мактабларида ватанпарвар ёшларни тарбиялашни мақсад қилганмиз, – деди Президент.



Ижод мактабида «Қодирий издошлари», «Ёш қаламкашлар», «Ёш журналистлар» каби тўгараклар, «Ифодали ўқиш», «Нотиқлик санъати» бўйича қўшимча дарслар ташкил этилган. Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижодига бағишланган маърифий тадбирлар тез-тез ўтказилиб туради.

Давлатимиз раҳбари олий ўқув юртларининг олимлари бу ерда дарс ўтиши, таниқли ёзувчи ва шоирлар маҳорат сабоқларини йўлга қўйиши, дарслар замонавий методикалар асосида олиб борилиши зарурлигини таъкидлади. Истеъдодли болалар фақат ўқув жараёни билан чекланмай, университетларда амалий машғулотлар ўташи кераклигини қайд этди. Ўғил-қизларга мамлакатимиз тарихини мукаммал ўргатиш мақсадида ижод кунлари юртимизнинг диққатга сазовор шаҳарларига саёҳатларини ташкил этиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

– Бу мактабда миллатпарвар, ўзлигини англаган авлод камол топишига ишонаман, – деди Шавкат Мирзиёев.

Маълумки, бу йил Абдулла Қодирий таваллудининг 125 йиллиги кенг нишонланди. Бундай тадбирлар адиб номи қўйилган ижод мактабида ўзгача шукуҳ билан ўтди.



Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғига кираверишда адиб музейи барпо этилди. Мазкур бинога «Турон» кутубхонаси ҳам жойлаштирилди. Бу нафақат етук аждодимизнинг ворислари, балки адабиёт, маънавият ва маърифат аҳлини, бутун халқимизни қувонтирди.

Президентимиз музей ва кутубхонадаги шароитларни ҳам кўздан кечирди.

Музейга кираверишда Абдулла Қодирийнинг ҳикматли сўзлари битилган. Чап томонда адибнинг ҳаёт ва ижод йиллари хронологияси, қатағон йиллари экспонатлари ҳамда мустақиллик йилларида ёзувчига кўрсатилган эҳтиром акс этган экспозициялар жойлашган. Томошабинлар залдаги улкан мониторда адиб асарлари асосида суратга олинган «Ўткан кунлар» ва «Меҳробдан чаён» фильмларини, бошқа картиналарни кўриши мумкин.

Давлатимиз раҳбари шу ерда ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунос олимлар, ёш ижодкорлар билан мулоқот қилди.

ЎзА

КЎКРАК НИШОНЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 4 майдаги «Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига кўра 2018 йил 14 ноябрь куни «Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун» кўкрак нишони таъсис этилди.



Шу муносабат билан республика нодавлат нотижорат ташкилотларида фаолият кўрсатаётган фуқароларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш ва ижтимоий шерикликни ривожлантириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузуридаги ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиялари томонидан 2500 га яқин номзоддан энг муносиблари саралаб олинди ва Маслаҳат кенгашига тақдим этилди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларининг турли бўғинлари вакилларининг энг фаол 49 нафари фуқаролик жамияти шаклланиши ва ривожланишида эришган ютуқлари «Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун» кўкрак нишонига муносиб топилди.



Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича Маслаҳат кенгаши раҳбари Акмал Саидов мамлакатимизда кечаётган шиддатли ислоҳотлар жараёнида нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат тузилмалари ҳам муносиб ҳисса қўшаётганини таъкидлади.

– Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари ривожига бўлган эътибор ғоят кучли, – деди Демократия ва инсон ҳуқуқлари институти директори Сайёра Ҳўжаева. – Бунда тегишли фармонлар муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича Маслаҳат кенгаши ташкил этилгани, миллий қонунчилигимиз бу борада доимий такомиллашиб бораётгани аҳамиятлидир. «Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун» кўкрак нишони таъсис этилгани диққатга сазовор. Жамоамизнинг фаолияти аҳолининг ҳуқуқий, сиёсий маданиятини юксалтиришга қаратилгандир.

– Юртимизда ННТларнинг илғор ташаббуслари доимий қўллаб-қувватланмоқда, – деди Ўзбекистон корейс миллий маданий марказлари ассоциацияси Тошкент вилояти бўлими раҳбари Виталий Ким. – Кечаётган шиддатли ислоҳотлар фуқаролик жамияти институтининг турли бўғинлари фаоллигини оширишга хизмат қилмоқда. Ижтимоий шериклик, жамоат назоратига оид амалий чора-тадбирлар тобора фаоллашмоқда. Фуқаролик жамияти ривожига бўлган бундай эътибор катта масъулият, ишга профессионал ёндашув, катта билимни ҳам талаб этмоқда.

«Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун» кўкрак нишони ўз эгаларига топширилди. Айни пайтда Олий Мажлис ҳузуридаги ННТ ва Фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси томонидан бир гуруҳ фаол нодавлат нотижорат ташкилотларига Давлат грантини ажратиш ҳақидаги сертификатлар тақдим этилди. Санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт намойиш этилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Рустам Қосимов сўзга чиқди.



«Жамият» газетаси ҳам Давлат гранти танловида «Фаровон ҳаёт — конун устуворлигида» лойиҳаси билан иштирок этиб, голиблар сафидан ўрин олди.

Н.УСМОНОВА, Ф.АБДУРАСУЛОВ (сурат), ЎзА



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 декабрь куни Абдулла Қодирий номидаги ижод мактаби ва музейни бориб кўрди.

Келажагимиз эгаларини ҳеч ким хафа қилолмайди!

Инсон ҳуқуқлари, аввало, бола ҳуқуқларидан бошланади. «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасида ўн саккиз ёшга тўлгунга (вояга етгунга) қадар бўлган шахс бола деб аталади. Шундай экан, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла таъминлаш, ҳар қандай ҳуқуқ бузилишларидан, жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш долзарб вазифа саналади.

Ҳар бир бола оилада яшаш ва тарбияланиш, ўз ота-онасини билиш, улар билан бирга яшаш ва ғамхўрлигидан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Боланинг ота-онаси бўлмаганда, улар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда ёки бола ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бошқа ҳолларда эса унинг оилада яшаш ҳамда тарбияланиш ҳуқуқи васийлик ва ҳомийлик органи томонидан таъминланади. Боланинг қонуний вакиллари деганда ота-оналар, фарзандликка олувчилар, васийлар, ҳомийлар назарда тутилиб, васийлик ва ҳомийлик ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлаштиришнинг ҳуқуқий шакли саналиб, васийлик ўн тўрт ёшга тўлмаганларга, ҳомийлик эса ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган болаларга нисбатан белгиланади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг туб моҳияти инсон ҳуқуқлари, жумладан, бола ҳуқуқларига қаратилган экан, Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси ҳамда 2019 йил 6 декабрда қабул қилинган «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни ҳам фикримизнинг ёрқин ифодасидир.

Амалдаги қонунларга киритилган ўзгартишлар натижасида «ўн олти ёшга тўлмаган» деган сўз «вояга етмаган» деган сўзлар билан алмаштирилди. Бунда ўн олти ва ўн саккиз ёш оралиғидаги вояга етмаганларнинг ҳам ҳуқуқ ва эркинликлари назарда тутилди. Вояга етмаган гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки жабрланувчининг илтимосига кўра, ишда унинг катта ёшдаги яқин қариндошларидан бирининг ёки ўзи ишонадиган бошқа шахснинг қонуний вакил сифатида иштирок этишига йўл қўйилди. Қонуний вакил ўзи вакиллик қилаётган шахснинг суриштирувчига, терговчига, прокурорга ёки судга чақирилганидан хабардор бўлади.



Бундан ташқари, ўзи вакиллик қилаётган қамоқдаги шахс билан холи учрашиш, қонунга мувофиқ эга бўлган процессуал ҳуқуқларни амалга ошириш ҳуқуқига ҳам эга. Қолаверса, вояга етмаган гувоҳ ёки жабрланувчини сўроқ қилиш қонуний вакили ёки катта ёшдаги яқин қариндоши, педагог ёки жабрланувчининг вакили иштирокида уларнинг розилиги билан ўтказилади. Кўрсатилган шахслар сўроқ қилувчининг рухсати билан гувоҳ ёки жабрланувчига саволлар бериши мумкин. Вояга етмаган гувоҳ сўроқ қилиниб бўлгач, суд бу гувоҳнинг мажлис залида қолиши зарур деб ҳисоблайдиган ҳолларни мустасно этганда, суд мажлиси залидан чиқариб юборилиши лозимлиги мустаҳкамланди.

Жумладан, вояга етмаган гумон қилинувчини ва айбланувчини сўроқ қилиш ҳимоячи, қонуний вакил, педагог ёки психолог иштирокида амалга оширилади. Вояга етмаган гумон қилинувчини, айбланувчини сўроқ қилишнинг умумий давомийлиги кун давомида дам олиш ва овқатланиш учун бир соатлик танаффусни ҳисобга олмаганда олти соатдан ошмаслиги керак. Мураккаб тиббий текширув усулларидан, шунингдек, кучли оғриқ бериш билан боғлиқ усуллардан мажбурий фойдаланишга фақат экспертиза ўтказилаётган шахснинг розилиги билан, агар ушбу шахс вояга етмаган ёки унинг руҳий ҳолати бузилган бўлса, унинг қонуний вакилининг, васийсининг ёки ҳомийсининг розилиги билан йўл қўйилади.

Бир сўз билан айтганда, давлат боланинг шахси, уй-жойи дахлсизлигини, хат-хабарлари сир тутилишини таъминлайди ҳамда болани эксплуатация ва зўравонликнинг барча шаклларидан, шу жумладан, жисмоний, руҳий ва жинсий зўравонликдан, қийноқларга солишдан ёки шафқатсиз, қўпол ёхуд инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа шакллдаги муомаладан, шаҳвоний шилқимликлардан, ҳуқуқбузарликлар ва ғайриижтимоий ҳаракатлар содир этишга жалб этилишидан ҳимоя қилинишини кафолатлайди. Демак, давлатимиз ўз келажак авлодини ҳеч кимга хафа қилдириб қўймайди.

Моҳигул ҚОДИРОВА,
Тошкент давлат юридик университети доценти, юридик фанлари номзоди

Ватанпарварлик ҳақида ҳар куни гаплашамиз

Давлат рамзлари ҳар бир халқнинг мустақиллиги, озодлиги, тинчлиги ва барқарорлиги тимсоли ҳисобланади. Буюк аждодларимиз ҳам юрт байроғини муқаддас билиб, уни ардоқлаганлар, кўз қорачиғидек асраганлар. Тарихимизнинг қайси даврини олиб қарамайлик, юрт рамзлари, чунончи байроқ аждодларимиз учун озодлик, куч-қудрат, жасорат, ғалаба тимсоли бўлган.

Байроғимиз 28 йилдан бери мамлакатимиз Олий Мажлис палаталари, ҳукумат биноси, маҳаллий бошқарув идоралари, Ўзбекистон аъзо бўлган халқаро ташкилотлар, юртимизнинг ўнлаб хорижий давлатларидаги дипломатия ваколатхоналари, консуллик муассасаларида ҳилпираб турибди.

Мен мактабда тарих фанидан дарс бераман. Она ватанимиз, аждодларимиз тарихини ўз ўқувчиларимга кўтаринки руҳда, ғурур билан сўзлаб беришга ҳаракат қиламан. Зотан, бизнинг муқаддас рамзларимиз уларнинг ифодаси олис ўтмишимизга, аждодларимизнинг бой тарихига бориб тақалади. Давлат рамзлари, яъни герб ва байроғимиз ота-боболаримиз, аждодларимиз бизга мерос қилиб қолдириб кетган муқаддас тарихимиз маҳсулига ўхшайди. Буни фақат юракдан ҳис этиб, ғурур ва ифтихор билан яшай билиш керак.

Ҳозирги кунда ўқувчиларнинг ватанпарварлик ҳиссини ривожлантириш ҳамда давлат рамзларига нисбатан ҳурматини мустаҳкамлаш мақсадида ҳар куни дарс машғулотлари бошланишидан олдин Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳияси ўқувчилар томонидан жўр бўлиб куйлаш йўлга қўйилган. Бу эса ўқувчиларга улуғ аждодлар авлоди эканлигини англаган ҳолда камолга етишишига замин яратади. Давлат рамзларини эъзозлаган юрт давлатчилиги ривожланади, равнақ топади.

Феруза ИСМОИЛОВА,
Бекобод шаҳридаги 7-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси

Қуруқ қошиқ оғиз йиртар

Мамлакатимизда таълимни ривожлантириш мақсадида изчил ислоҳотлар олиб борилмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, айни пайтда математика соҳасида ҳам ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. Бугунгидек тезкор замонда таълимни сифат жиҳатдан тараққий эттириш ўқитувчининг бош мақсадига айланмоқда.

Аввало, бу фан ҳақида ўқувчиларда тасаввур уйғотиш, уларни рақамлар дунёсига олиб кириш учун аждодларимиз, буюк бобокалонларимизни эслаш кифоя. Маънавий меросимиз Хоразм воҳаси билан чамбарчас боғлиқ экани ҳеч кимга сир эмас. Бунга сабаб, албатта, Муҳаммад ал-Хоразмийдир. Илм-фаннинг математика, геометрия, астрономия, тарих, география каби соҳаларида яратган бебаҳо асарлари айни дамда баркамол авлодни тарбиялашда катта аҳамият касб этади. Жумладан, математика фани тараққиётида аллома томонидан яратилган «Ал-китоб ал-мухтасар фи ҳисоб ал-жабр ва ал-муқобала» асари дунё олимлари учун ҳам дастуруламал вазифасини ўтамоқда.

Қуруқ қошиқ оғиз йиртар, деганларидек, фақаттина уларнинг номларини айтибгина қолмай, юртимизнинг бўлажак эгаларига дарс давомида жаҳон ёзувчилари ва олимларининг Хоразм ва унинг илм-фандаги ютуқларига берган баҳоларидан иқтибослар келтираман. Масалан, С.Толстов шундай ёзади: «Қадимий Хоразм фанининг Шарқ фани тарихидаги ўрни жуда муҳим. Хоразмнинг Исломгача бўлган антик ва афригий даврини озгина биламиз. Аммо маданий ва моддий ёдгорликларни астойдил таҳлил қилиб, айта оламизки, Хоразмда аниқ фанлар – геометрия, тиригонометрия, астрономия, топография, химия, минерология ва табий фанлар ўша даврдаёқ юксак даражада тараққий этган... Хоразм кейинчалик араб халифалиги таркибига киритилгач, хоразмлик олимлар тез орада шуҳрат қозонганлар ва «араб фани» деб аталган фаннинг яратувчилари орасида энг илғор ўринни эгаллаганлар».

Юқоридаги фикрдан ҳам кўриниб турибдики, математика кеча ёки бугун пайдо бўлгани йўқ. Бу фан Ислом дини кириб келгунига қадар ҳам она заминимизда бақувват илдизларга эга бўлган. Хулоса қилиб айтмоқчиманки, ҳар бир ўқитувчи ўз фанининг устаси бўлиши қаторида бу фаннинг тарихи ҳамда фанга тегишли маълумотларни ўз ўқувчилари онгига сингдириб борса, нур устига нур бўлар эди.

Нурали ЖУМАНОВ,
Самарқанд вилояти Иштихон тумани 31-мактабнинг математика фани ўқитувчиси

КИСКА САТРЛАРДА ЎҚИНГ!

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлар сайлови бўйича айрим сайлов округларида такрорий овоз беришни ўтказиш тўғрисида Марказий сайлов комиссиясининг қарори қабул қилинди.

ЗЕРИКАЁТГАН ОДАМ

Эссе

I

...Менинг қисман бир-икки нарсага ҳаққим бор бу ҳаётда. Мен сиз айтгандек эмас, ўзимга ўхшаб кун кўришни истайман. Майли, одамови бўлай. «Телбароқми?» деб шубҳаланинг. Лекин мана шу янграётган қўшиқни эшитиб жилмаёлмайман.



Ўзимнинг устимдан кулишга мажбур этманг мени, биродар. Бундай дейишга ҳаққим бор. Сиз эса билганингизни қилинг. Чунки, сизнинг ҳам қисман ҳаққингиз бор. Ана, телевизор, буранг, «мени ташлаб кетди» деб тиржайиб туради биттаси... Севги одамдан интеллект талаб қиладими? Наҳотки, у тажриба маҳсули бўлса... «Интеллектуал шахс севгиси авомникидан маънолироқ бўлади» деган гапга ҳеч ишонгим келмайди. Юзидан ёғ томиб турган хонанда бўлса қўшиқни тиржайиб туриб айтади. Сиз эса овқатда қўшиб истеъмол қиласиз бу қўшиқни. Айрилиқ ҳақида ҳеч ким ўйламайди. Маъносиз кўзларини сузиб қўшиқ айтаётган хонанда ҳам, қисқичга қўшиқ сўзларини илдириб паққос тушираётган сиз ҳам... Дарвоқе, маъносиз кўзлар. Ўлаксахўр қузғунлар макони бўлмиш саҳро келбат кўзлар. Бу кўзларга кўпам маҳлиё бўлманг, биродар. У Тиржаяпти-ку, деб ўзингизни овутманг. Бу кўзларда минглаб шаҳидлар ётибди. Бу кўзлар поклар қабристонидир.

II

...Умримнинг нечанчи куни билмайман, мен адойи тамом бўла бошладим. Отамга хат ёздим! «Ота мен чарчадим, кўчмоқчиман... Суякларим совуқдан қисирлаб бораётир. Бу ҳашаматли бинода юзлаб одамлар истиқомат қилишади. Бурунлари терлаб, юзларидан ёғ томиб туради, уларнинг. Мен эса жунжикиб боряпман. Тўққиз қовурғали мана бу печ ўзидан тўхтовсиз совуқ пуркаётгандек туюлаётир. Китоблар, картиналар ҳамма-ҳаммаси музлатилгандек. Тўрт қават кўрпада қорга ағанагандек ётаман, Ота...» Кўп ўтмай отамдан хат келади. «Болам, сен энг катта шаҳарда яшаётирсан. Бундан бўлак яна қаерга кўчмоқчисан. Ҳар нарсага кўнглингни бузмай, ишингни қил, Ё, қишлоққа қайт. Ҳар ҳолда қишлоқ илиқроқ...»

...Мен қишлоққа қайтолмасдим. Қўшиқларни шаҳарда қолдириб қишлоққа қайтолмаслигимни отам биларди. Билса-да, «қайт» деди. Меҳр билан айтди бу сўзни. Охирги илинжни-да айтди отам. Мен эса бу пайтда аллақачон кўчиб улгурган эдим. Бобурнинг «Баҳор айёми» ғазали билан айтилувчи бу қўшиқни биз уч киши бирга тингладик. Юраклар илингандай бўлди. Кўнгилга нур инди. Қўшиқ менга тўққиз қовурғали печлари бор ижарахонамиздан илиқроқ туюлди. Бу қўшиққа тикилиб ҳуркак қушчаларни, кўзидан ёш чиқиб қаҳ-қаҳ ураётган оломонни кўрмадим, мен. Чексиз бир саҳрони дарбадар кезиб, ўкириб-ўкириб йиғласанг-да, ҳеч кимга халал бермайдиган, ҳеч ким сенга ҳайратланиб қарамайдиган саҳрони кўрдим. Ва эрта тонгда бу мамлакат дарвозасини қоқдим...

III

Баҳорнинг илк кунларида биз уч биродар ижарахонадан ҳайдалдик. Ижарачи — кўзлари доим чақчайиб турадиган, бу дунёда пул топишдан бўлак аъмоли бўлмаган, икки лунжи бўқоқдек осилиб тушган қоп-қора хотин лаш-лушларимизни ташқарига улоқтириб, эшикни зичлаб ёпиб олди. Биз, калласига ақл сиғмаган уч далли дийдираб анча маҳал остонада турдик. Балки ҳовуридан тушар, раҳм этар, деб кутдик. Садо бўлавермагач бошимизни эгиб бекат томон юрдик.

Бекатга етиб англадикки, ижарадор бизнинг барча буюмларимизни улоқтирган, ичкарида фақат севимли ҳофизимизнинг қўшиқлари ёзилган кассета қолган эди. Лорсилдоқ бу хотин бизда шу даражада нафрат уйғотган эдики, мабодо унинг қўлида кийим-кечагимиз ёхуд бошқа бир буюмимиз қолганида қайтиб бормас ва унга ялинмас эдик. Лекин тўрт-бешта китоб ва шу кассетадан бўлак бу шаҳарда бошқа илинжи бўлмаган ғариблар қайтиш азобига маҳкум эдик. «Қадрдон гўша»га мен бордим. Эшик кўнғироғини босишим билан қаршимда бир жуфт чақчайган кўз, одамни руҳан толиқтирадиган қоп-қора, беўхшов турқ намоён бўлди. «Кассетамиз қолган экан» дедим мен. «Чақаси йўғ-у қўшиқ эшитганига бало борми, буларнинг?» ўдағайлади ижарадор. Мен ялиндим: «Охирги илтимосимизни рад этманг, сизга бошқа қорамизниям кўрсатмаймиз, хўп денг, чиқариб беринг...» Хуллас, кассета ўттиз сўмга баҳоланди. Ўртоқларим ёнига бориб воқеани айтганимда улар унашмади. «Ўттиз сўмга иккита кассета олса бўлади. Эсинг жойидами», дейишди улар. Мен таажжубда эдим. Унинг қўшиқлари ёзилган кассетани бу бефаросат хотин қўлида қолдиришга кўнглим чидамас, ундан қизғанар эдим. Дўстларимга эса, менинг кимдандир қарз олиб, кассетани қайтариб олиш фикрим эриш туюлиб энсаси қотарди. Ўша куни, хуллас, пул топдик ва шаҳарга оқшом оралаганда кассетани олиб қайтдик.

IV

Биз унинг қўшиқларини тинглаб улғайдик. Шунданми, кўнглимиз армонларга, орзуларга қўналға бўлиб қолди. Қишлоққа борсам ҳар гал «Излаганлар бизни саҳройи балодан излангиз» ашуласи ёдимга келаверади. Чексиз дашту биёбонга тикилиб, ҳолдан тойган афтодаҳол ошиқ йигит сиймоси кўз ўнгимда гавдаланади. Бу ерларда бир пайтлар мен шундай кезинганман. Мендан-да олдин кўпчилик кезинган бу ерларда. Қўшиқни тинглаб оғир-оғир хўрсинганман, йиғлаганман. Бир қанча ошиқ йигитлар йиғлаган қўшиқни эшитиб. Йиғилар кўп. Гармселдай мавжланиб ётибди йиғилар.

Қишлоқда чўпон амаким бор. Ул ҳофиз қўшиқ айтяпти, деса отдан тушади. Қўшиқ тугагунча ҳеч кимни гапиртирмайди. Гапираётган одамга хўмрайиб ола қарайди. Ёши олтмишга бораётган бу одамга нима бўлган экан, деб ўйлайман мен. Сочлари оқарган одамнинг севги ҳақида қўшиқ тинглаб ўтириши эриш туюлади менга. «Эй, бунга етадиган йўқда. Шу эшитиб ўтириб-ўтириб, отни миниб бир ёқларга солиб кетсамми, дейман», дейди амаким. Мен хавотирланаман. Амаким ҳозир отга ўтириб, осмону фалакка учиб кетадигандай туюлаверади. Мен учадиган отлар фақат эртакларда бўлишини биламан, шундай бўлса-да хавотирланаверараман.

Бир ажиб боғ ичра жонон ўлтирур,
Сочларин ёйиб шамол ўйнаб турур.
Сезмайин қолди ёнига боргаким,
Воҳ, санам, бунча паришон ўлтирур.

Сўзлар хонанданинг бўғзидан аланга бўлиб чиқади. Борлиқ эртакка дўнаётганга ўхшайди... Мен бундан қўрқаман...

Ёзнинг сўлим оқшомларидан бирида қишлоқда тўй бўлди. Амаким мени туртди, «Қара, қара, ўзи-я, нақ қуйиб қўйгандай», Даврани олиб бораётган қўшиқчи бола. «Кўзинг нозик...» ашуласини куйлаётган эди бу маҳал. У овозни шу даражада ўхшатаётган эдики, олисроқда туриб эшитаётган одам тўйга ўша санъаткор келибди-да, деб ўйлаши мумкин эди. Амаким хумор қилиб ўтирди. Фақат тўй яримлагандан унинг авзойи бузилди. Бузилгандаям ёмон бузилди. Ўтирган жойида қўшиқчи болани шу қадар бўралаб сўкдики... Бечора бола шалпайиб, кенг давра ичида мулзам бўлиб қолди. Ҳамма олазарак бизга қарайди. Мен зўр бериб амакимга ёпишаман. У ширакайф ғижиниб сўкинади: «Қўшиқни билмасанг айтмагинда ҳе...» Ўша куни тўйдан жуда қолсиз қайтдик. Мен бу воқеадан алланечук оғир бўлиб олдинда борар, амаким бўлса, «Қўшиқни бузди баччагар, қўшиқни бузиб айтди» деб тинмай ғулдираб келарди.

V

Мен қўшиқни ёлғиз ўзим эшитишни яхши кўраман. Агар ёнимда биров бўлса безовталанаман. Маъшуқасига севги изҳор этаётиб бехос бегона нигоҳга назари тушган ошиқдек ўнғайсизланиб қоламан. Сўнг хижолатдаги ошиқ ҳолида бегона нигоҳни бошқа хонага бошлаб кираман.

VI

Хонандалар кўп. Лекин... Балки, менга шундай туюлар. Ҳар ҳолда қўшиқ айтиш билан қўшиқ айтишнинг фарқи бор. У «Биринчи муҳаббатимни» айтганда деярли ўспирин бўлган. Эҳтимол унинг ўша пайтлари иқтидори, маҳорати бугунгидек юксак бўлмагандир. Аммо у бу туйғуни яшаган, бошидан кечирган. Йўқса, қўшиқ бу қадар яшай олмасди. Кўпчилик эса қўшиқ учун чиройли овоз, куй ва шеърнинг ўзи кифоя деб ўйлашади. Менда қўшиқ куйлаётган хонандалар икки хил тассурот уйғотади. Бири шоир изтиробини йўл-йўлакай бировга ҳикоя қилиб кетаётган йўловчи. Иккинчиси эса «Истаганлар бизни саҳрои балодан истангиз» дея кимсасиз саҳро томон телбавор талпинаётган жунун. Жунунда кибр бўлмайди. Худбинлик ва риёкорлик кўчасидан юрмайди жунун ва биз шунинг учун ҳам уни севамиз, унга талпинамиз.

VII

...Санъат ва санъаткор деган сўзлар бор. Бунинг маъно ва моҳияти кўпчиликка маълум. Лекин бу сўзлар бизда шу қадар кўп ишлатиладики, ҳақиқий санъаткорни нима деб аташни билмай каловланиб қоламиз. Негаки, биз ҳар қандай отарчию, театр ёки кинода ўткинчи рол ижро этадиган одамниям, ҳақиқий истеъдод эгасиниям бир хил, санъаткор, деб атаймиз. Эҳтимол, у шунчаки, артист ёки актёрдир. Йўқ, биз барчасини бир хил санъаткор деб атаймиз. Чунки, товуш мавжуд экан, сўз туғунмасдур, деб ўйлаймиз.

VIII

Гоҳида... Одам тафтини одам ололмайди. Миллионлаб одамлар орасида зерикасан. Ҳар куни минглаб, ҳиссиз, ҳаяжонсиз кўзларга дуч келасан. Уларга қараб муомала қиласан. Тавозе билан табассум ҳадя этасан. Лекин барибир ёлғиздай ҳис этасан ўзингни. Икки қўлингни бўм-бўш чўнтагингга солиб, бошингни елкаларинг орасига олиб шаҳар кўчаларини кезасан. Дарахтлар ва турли рақамлар чаплаб ташланган симёғочлар узра жим одимлайсан. Қаршингда юзлаб, минглаб тўрва қўлтиқлаган, йўлнинг шундоқ ёқасига раста ёйиб, ҳайқириб молини мақтаётган одамлар чиқади. Улардан тортиниб қўлларингни чўнтагингдан суғуриб оласан. Бўм-бўш қўл ҳавода гизланиб-гизланиб яна чўнтакка киради. Чунки уни сен шунга маҳкум қилгансан. Беҳуда ва бемаврид ҳаракатланишига изн бермайсан. Зерикаётганингни сезган қўллар типирчилайди. Сен эса тишингни тишингга босиб уйга йўл оласан. Етиб келиб чарчоқ танангни курсиустига ташлайсан. Итоаткор ва содиқ қўлларингни чўнтагингдан бир-бир суғуриб, стол устига қўясан. Қўлларинг сендан имо кутмай магнитофон сари йўналади. Оҳиста унинг тугмачасини босади. Хонанданинг ўтлиғ овози янграйди.

Кеча оқшом фалакда
ой бўзариб ботганда,
Зуҳро юлдуз милтираб,
хира-ханда отганда,
Руҳимда бир маъюслик,
сокинлик уйғотганда,
Мен сени эсга олдим,
биринчи муҳаббатим,
Эслаб хаёлга толдим,
биринчи муҳаббатим...

Ўрол СОДИҚ,
1995 йил.



2020 йил 1 январдан бошлаб БМТнинг биометрик ҳужжатига эга бўлган чет эл фуқаролари учун Ўзбекистон ҳудудига кирган кундан эътиборан 30 кунлик муддатга визасиз режим белгиланди.

Аксарят одамларда, «эҳсон ночор ва муҳтожларгагина бериладиган, берилиши керак бўлган ҳадя», деган тушунча шаклланган. Гўёки, эҳсон қилаётган киши ўзидаги бирор мулкни фақат ўта ночор, муҳтож кишига бераётгандек. Ёки аксинча, эҳсон олишга рози киши, албатта, ўта ночор ёки муҳтож бўлиши керакдек..!

«Эҳсонимни ҳамма кўрсин»



Аслида эҳсон деганда бирор неъматни бериш ва фазлу карам кўрсатиш тушунилади. «Эҳсон» сўзи луғатда «яхшилик қилиш, эзгулик кўрсатиш» маъноларини ҳам англатиши бизга маълум. Ҳақиқатдан, бирор кишига бир нарсани эҳсон қилсангиз ёки унга бирор яхшилик кўрсатсангиз, дилингиз равшан тортади, руҳий хотиржамлик юзага келади, ўзгаларга манфаат етказганингиздан қалбингиз яйрайди.

Ижтимоий тармоқлардан бирида кўзим тушганди — бир эркак меҳрибонлик уйидаги болаларга турли совғалар олиб келди-да, улар билан суратга тушиб, видео ролик таёрлаб, тармоққа жойлаб, оммага кўз-кўз қилади. Ахир эҳсонни кўр-кўрона қилишнинг нима кераги бор. Агар инсон чин дилдан бировга мурувват кўрсатмоқчи бўлса, уни бошқалар билишини истамайди.

Бугун кўпчилигимиз бамисоли дунё тўплашга киришиб кетдик. Бирни икки, иккини уч, учни олти, олтини йигирма қилгимиз келяпти. Натижада ўзимиздан молиявий жиҳатдан пулни ажратиб, кимгадир ёрдам қилолмаяпмиз. Қўшнимиз ёки танишимиз «Спарк» машина олса, «тўхта менинг ундан нима камим бор» деб, «Ласетти» оляпмиз. Ёки бўлмаса, нимага қўшним уйини кўтаряпти, мен ҳам уйимни кўтараман деб, кўролмаслик даражасига ҳам чиқдик. Шу сабаб бўлиб, дунёвий мусобақа кучайиб кетди.

— Баъзи бир амаллар борки, кўринишидан охират ишига ўхшайди, — дейди, Чилонзор тумани, «Новза» жоме масжиди имом-хатиби ёрдамчиси Исломхон Убайдуллаев. — Кўрсангиз, инсонлар садақа қиляпти, эҳсон беряпти, ибодат қиляпти деб ўйлайсиз. Аммо кўнглида бошқа нарса, шу қилаётган амалларини бошқаларга кўрсатиш бўлади. Баъзи бир ишлар бор кўриниши дунё ишига ўхшайди. Булар оиламизга рўзғор қилиш, ота-онамизга яхшилик қилиш, тирикчилигимизни ва касб-коримизни қилиш бўлади. Кўринишидан булар дунё тўплаш ишига ўхшайди, лекин ниятимиз яхшилиги учун бу ҳам ибодат ҳисобланади. Чунки фарзандларни тарбиялаш, уларни боқиш, кийинтириш, ота-онага яхшилик қилиш энг катта фарзлардан ҳисобланади. Инсоннинг олажак савобини кесадиган риё ҳисобланади. Араб тилида бу сўз «хўжакўрсин», Сума — «инсонлар эшитиб кўрсин» дегани. Бу билан худдики, «сахийлигини» кўрсатиб фахрланади. Шунча эҳсон қилганини ҳамма кўрса, обрўси ортгандай тасаввурда бўлишади. Баъзилар юрагига яқин олмасин бу гапларимизни, бу фақат айрим мана шундай «эҳсонимни ҳамма кўрсин», деган одамларга тегишли.

Бир чақа берма бу гадойга

Дарсдан сўнг дугонам билан кутубхонага боришни режалаштирдик. «Битта нонга ёрдам беринглар илтимос», дея бир қизалоқ сумкамизга ёпишиб кетди. Яқинда танишган дугонам «Ол қўлингни, жинни бўлдингми» деб жаҳл қилди.

Қизалоққа раҳмим келганидан пул бердим. Унинг юзига табассум югурди. Раҳмат айтиб, биздан узоқлашди. Дугонамнинг жаҳли чиққанидан «Нега берасан бу гадойга, бундайларга ишона кўрма. Чунки сени чув тушириши аниқ, ёлғон гапларига ишонтириб», деди...

Сайлгоҳ кўчасига етиб келганимизда, одам гавжум эди. Йўл четида тиланчилар ҳам талайгина. Бирдан дугонам, «ҳозир келаман» деб аравачада ўтирган бир кекса отахонга эҳсон бериб келди. «Дугонамнинг қалби тош эмас экан», дея ўйлаб тургандим. У келди-ю, хаёлимни чиппакка чиқарди.

— Зўр иш қилдимми? Ҳамма менга қарадими?

Ичим жимирлаб кетди:

— Нималар деяпсан? Бу ишингни ҳамма кўриш учун қилдингми? Савоб учун эмасми-ди ҳали?

— Қўйсангчи, дугонажон, одамлар мени кўриб, роса раҳимдил, бой қиз экан, дейиши учун бераман-да... Айтганча, телефонимни берганимда видеога олиб турардинг, эсимдан чиқибдия. Кейин инстаграмга қўярдик. Қарабсанки, лайклар ўзидан ўзи кўпайиб кетаверарди.

Очиғи, шу пайт дугонамга тарсаки тортиб юборгудек, ғазабланиб кетдим...

Эҳсон қилиш жамиятдаги одамларнинг бир-бирларига ёрдам кўрсатишлари, рағбатлантиришлари ва ҳадя улашишларининг ўзига хос бир кўриниши, десак адашмаймиз. Ҳўжакўрсинга қилинган ҳеч бир ишда савоб йўқ.

Гулҳаё ҲУСАНОВА,
«Жамият» маҳорат мактаби тингловчиси

Кузнинг совуқ шабадали тонгги. Ҳамма ўз иши ва ўқишига тезроқ етиб олишга шошган. Автобус бекатида ҳар доимгидек одам гавжум. Эрталаб 7:00 дан 8:30 гача одам роса тиқилинч бўлади.

Ҳам хизмат, ҳам туҳмат

Малика шуни ўйласа, юраги сиқилиб кетарди. Жума кунлиги учунми, эрталабдан кайфияти яхши. У бу куннинг энг хосиятли эканини катталардан эшитган. Ҳар замонда кулиб ҳам қўяётганди-ю, лекин бунинг сабабини ўзи ҳам билмасди. Аслини олганда, бугун одатдагидек кун. Олийгоҳга кирганига 3-4 ойча бўлганига қарамай, худди бугун илк марта бораётгандек

У хонадош дугонаси билан автобусга чиқди. Олдинги эшикнинг тутқичларидан бирини ушлади. Кондуктор кўринмасди. «Вой-бў, одамни кўплигини... ҳа майли, бир амаллаб, ўқишга етиб олсам бўлди», дея ўйлади. Дугонаси ҳайдовчига яқин жойдан ўрин олди. Бир неча бекатдан ўтгач, Маликанинг ёнига бир рус аёл боласи билан яқинлашди. Сочлари сариқ, бўйи пастроқ, қотма ва юзлари узунчоқ бу аёл кейинги бекатда тушмоқчи шекилли. Малика унга жой берди. Автобус чайқалса, йиқилиши аниқ эди. Тўсатдан ҳайдовчи тормозни босиб тезликни камайтирди. Ҳамма олдинга қараб кетди. Малика



ёнгинасидаги рус хотиннинг елкасидан ушлайман деб қўл чўзди-ю, кофтасидан тортиб юборди. «Кўзингга қарамайсанми, кофтамни чўзиб, дабдала қилдинг, қиммат кофта эди» дея шанғиллади ҳалиги аёл. Маликанинг юзлари лавлагидек қизарди. У ғалати ҳолатга тушди. Секингина «извините», деди қўлдан келганча, русчалаб. Негадир хаёлига бирон-та фикр келмас, бу хотиннинг нималар деганини тушунмас, қандай жавоб қайтаришни билмасди. Назарида бир автобус одамнинг олдида шармандa бўлганди, бошқа пайт бўлганида балки яхшилаб хотин билан тиллашиб олармиди.

Ўзи ёшликдан шунақа мияси кеч синтез қилади. Ниҳоят кейинги бекатда рус хотин бо-

лаши билан автобусдан тушиб кетди. Кетгунча ҳам русчалаб «сумкангни ол халақит беряпти», деди ва жаҳл билан «колхоз», дея қўшимча қилиб автобусни тарк этди. Маликанинг хаёлига бирдан кучли дарёнинг тошқинидай тасодифий жаҳл лашкари бостириб келди. Лекин аёл алақачон тушиб кетганди. Маликанинг айтмоқчи бўлган сўзлари бўғзида қолди.

Кайфиятини бир пул қилгани етмагандек, асабини ҳам бузди ярамас. Мия ўлгур тезроқ синтез қилганда эди, бу хотиннинг таъзирини бериб қўярди. Малика жуда мағрур қиз. Ўзини жуда ҳурмат қилади. Биров бурнидан сал баландроқ гапирса, уни ўлгунича кечирмайди. Хуллас бўлган воқеани унутишга уринди. Қани энди унута олса, йўқ унутади қўлидан келади. У ҳамма ишнинг уддасидан чиқадиган қиз. Қолаверса, қаловини топсанг, қор ҳам ёнади дейдиларку. Бошқа нарсаларни ўйлашга ҳаракат қилди...

Автобусдан тушиб, тез-тез юриб кетди. Дарслар тугагач, ўз таниш бекати томон йўл оларкан: «автобусда кетсаммикин ёки таксида?» Яна ўшанга ўхшаш воқеа юз берса-чи? Табиатан сокинликни хуш кўрадиган бу қиз кўчада ҳар ким билан гап талашиб юришни ўзига ҳечам эп кўрмайди.

Ўз туғилиб ўсган масканини қўмсади. Ҳамма бир-бирини танийди, кўчада ким кўринса, салом беради, ёши улуғ боболар ёки бувижонлар бўлса, маҳаллада кичикларга танбеҳ беради. Қўшни овқат олиб чиқади. Биргаликда ҳашар қилади. Тўй-маъракаларига ёрдамга чиқадир. Бу ерда-чи? Умуман бошқа манзара. Қўшниси кимлигини ҳам билмайди. Кўчада салом бериб кўр-чи, сенга ғалати қараб қўйишади. Қанақалир совуқ, дийдаси қаттиқ одамлар жуда кўп экан. Одамларни унча-мунча нарсага ҳайрон қолдириб бўлмайди...

Шуларни ўйлаб, миясига бир ғоя келди. «Йўқ, автобусда кетаман, иложи бўлса, худди ўшанисида анови рус хотин чиқса, ичимдаги гапларни айтиб, юрагимни бўшатиб оламан. Унга жой бериб, айбдор бўлдим. Йиқилмаслик учун ундан ушлаганимга шунча дашном берди. Бу яхшиликка ёмонликми? Эҳ, барибир қишлоқ одамлари самимий-да»...

Мадина ОТАБОЕВА,
ЎзЖОКУ талабаси

ҚИСҚА САТРЛАРДА ЎҚИНГ!
Алоқа бўйича ҳарбий мутахассисларни тайёрлашнинг кенг кўламли тизими яратилади.

Бугун Сизни кузатиш учун йиғилдилар. Чораси йўқ ахир кузатмасликнинг. Қўлларида кўтариб олиб бордилар, қизғанибгина тупроққа бердилар ва қалбларига жойлаб, олиб қайтдилар...

Сен менинг

(Абдували Қутбиддинга мактуб)



ФБга шеърларингизни қўймоқдалар. Куймоқдалар.

Пайғомлар йўлладим, уйғон, ҳилолим,
Жунун оқшомлари очди жамолин,
Поялар урибман доминга сенинг,
Сен менинг,
Сен менинг,
Сен менинг.

Сен менинг! Ўзимники қилиб олганман бу шеърларни ва шоирни. Сизни деб қайғуга ботаётган одамлардан қандайдир мамнун бўламан, қандайдир қизганаман. Шеърларингиз меники бўлгани каби Сиз билан боғлиқ айрилиқ ғами ҳам фақат меникидай гўё.

Дугонам Дилрабо Сизни бир пайтлар мендан шундай қизғанган эди. Мендан аввалроқ унинг кашфиёти эдингиз Сиз. У қаердандир топиб келган муқовасиз, титилиб кетган китобчани мен ўзлаштириб олдим ва Сизни «ўзимники» қилиб юрдим. Ахир, менинг ичимдаги қўшиқлар бор эди унда. Мен тўлғана-тўлғана кўтариб юрган, сўзга кўчиришга кучим етмаган қўшиқлар. Улар тонг ҳавоси янглиғми, гўдакнинг қиқирдайми, олов атрофида сакраб рақсга тушаётган дарвешнинг жазаваси кабими, юрагида йиғисидан бўлак ҳеч нимаси йўқ фақирнинг қаққаҳаси мисолими, ё шамолдай увиллаб ҳар эшикка бош суқиб ўзини излаб юрган менинг ўзим сингаримми жаранглаб турарди китоб ичида, менинг ичимда...

Биз СамДУда ўқирдик ўшанда. Мен биринчи курс, дугонам тайёрлов курсида. Маъмуриятдан Сиз билан ижодий учрашув уюштиришларини талаб қилдик. Эшитдикки, фалон куни келар эмишсиз. Менинг шоирим келармиш! Намойишкорона мақтандим, намойишкорона кутдим. Оралиқдаги кунларни яшамадим, улардан ҳатлаб ўтиб кутилган кунга етдим! Сиз эса келмадингиз...

Эртасига иситмалаб ётиб қолдим. Дарсга бора олмадим. Кечқурун эшитдимки, келибсиз! Менсиз кунда Университетга келиб, тебрана-тебрана, тўлғона-тўлғона шеърлар ўқибсиз. Чидаб бўлмас қадар бебахралик эди бу мен учун. Йиғладим. Кўзёшларим ҳозиргидай сачилиб тўкилдилар.

Тийра гирёнларда отлиқ дард ҳоким,
Ки зулфи оташи аждарлар балким.
Боримни бахш этдим ромингга сенинг,
Сен менинг,
Сен менинг,
Сен менинг.

Кетдингиз, устозим. Кетдингиз, шоирим. Ўшанда ҳам кетган эдингиз. Фарқи шундаки, унда Сизни кузата олмаган бўлсам-да, излаб боришим мумкин эди. Бордим ҳам. Мен Сизни излаб ҳаётимда илк бор Тошкентга йўл олдим. Оёқларим ерга тегмади, учдим, йўллар қанот қоқди мен билан бирга. Шундан буён қачонки Самарқандга борсам ва қайтиб Тошкентга йўл олсам, йўллар Сизни эслаб қанот қоқади. Тошкент энди она шаҳримдай бўлиб кетган эса-да, бунда мен излаб боргувчи ва мени излаб келгувчи қадрдонларим кўп эса-да, йўллар ҳамон Сизни эслаб қанот қоқади.

Учаётган бир мен ва йўллар эмасди. Дилрабо бор эди ёнимда. Тиниб-тинчимас ўқитувчимиз Ойгул Маматова ҳам бор эди. Юрагимда бори ҳам биргина чексиз ҳаяжон ва сизга талпиниш ҳисси эмасди. Амакингиз, гўзал Инсон — ўша пайтлар СамДУнинг проректори бўлган Муслиҳиддин Муҳиддиновга миннатдорлик ҳисси ҳам бор эди. Нима қилган, нима қўйган билмайман, мендай йиғлоқи талабасини Сиз билан таништириш учун бизнинг Тошкентга сафаримиз харажатларини ўз ҳисобидан берганди.

ТВда ишлардингиз ўшанда. Ўқитувчим ички телефондан қўнғироқ қилиб чақирди Сизни. Тушиб келдингиз. Шеърга, Сўзга, Сизга ихлосманд ўн саккиз яшар икки қизнинг ёнига баландлардан пастлаб, тушиб келдингиз.

Мен Шоир Абдували Қутбиддинни кўрмоқчи эдим. Қай алфозда кўрмоқчи эдим? Билмайман, эҳтимол, сиз ёзган Шеърларни қоғоздан ташқарида, тирик одам қиёфасида кўрмоқчи бўлгандирман. Негадир тасаввур қилишга ҳам журъатим етмаган. Қаршимдаги Инсонни агар тасаввур қилганимда, танишгани юрагим дов бермасмиди. Рости, ўша илк суҳбатимизни эслашга, нимадир мисол келтиришга ҳарчанд уринмай, кучим етмаяпти ҳозир. Эсимда қолгани — фақат қўрқув ҳисси. Бошини бир томонга оғдириб, гўё суяш учун тутган каби бир елкасини пастлатиб, қандайдир содда, қандайдир мураккаб, жунунваш қиёфада кутилган ва кутилмаган бир ҳодиса тушиб келган эди ёнимизга. Бу ҳодиса, бу ифода нимаси билан юрагимга ваҳима солган эди, ифодалаб беролмайман.

Ўша учрашувдан кейин Сизни қайтиб кўргим келмай қолди. Нега? Чунки Сиз билан кўришгани, суҳбатлашгани маънан тайёр эмасдим ҳали. Ҳа, сабабни белгилашда адашмаяпман деб ўйлайман, шундай, тайёр эмасдим. Чунки кўп катта шоирларга тақлид қилардим. Ҳавасланаҳавасланаҳаваслана



Хорижий инвесторлар иштирокидаги "Yangiyo'l yog'-moy" акциядорлик жамияти жамоаси:

— Янги йил билан бутун мамлакатимиз аҳолисини табриклаймиз. Она Ватанимиз ободлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида олиб бораётган эзгу ишларингизга муваффақиятлар тилаймиз.

2020 йил ҳар бир хонадонга, ҳар бир гўшага қувонч ва шодлик олиб келсин!



Бекобод шаҳар тиббиёт бирлашмаси жамоаси:

— 2020 йилда барчангизга тинчлик, мустаҳкам соғлиқ, омонлик тилаймиз. Ўтаётган йилда амалга ошмай қолган орзуларингиз Янги йилда, албатта, ўз ижобатини топсин!







1 ёшгача боласи бўлган эмизикли оналар тиббиёт муассасаларида овқатланиш тўловидан озод қилинади.


Сув хўжалиги саноат корхоналари уюшмаси «Мегарезинапласт» корхонаси жамоаси

юртдошларимизни, тадбиркорларимизни ҳамда мижозларимизни Янги — 2020 йил билан чин юракдан табриклаймиз. Диёримизни тинчлик, қалбларимизни шукроналик ҳеч қачон тарк этмасин! Янги йил билан!

2020

«Ўзбеккўмир» АЖ жамоаси:

— Халқимизни бирлашган касаба уюшма қўмитаси ва барча кўмирчилар номидан кириб келаётган Янги — 2020 йил байрами билан табриклаймиз. Сизларга бахт-саодат, ишларингизда муваффақият тилаймиз.



Илмий даражага эга ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш тартиби белгиланди.

MIKROKREDITBANK

«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки жамоаси яқинлашиб келаётган Янги 2020 йил билан барча ютрдошларимизни самимий табриклайди. Мамлакатимиз равнақи, халқимиз тинчлиги йўлидаги эзгу ишларингизга улкан зафарлар тилайди.

2020

35 - 60 кунгача 18%

65 - 90 кунгача 21%

5 - 30 кунгача 17%

Шу билан бирга қулай ва даромадли бўлган

"КУНДАН КУН ЯХШИ"

жамғарма омонат турини таклиф этади!
Ушбу омонат муддати ва фоизлари Сиз истагандек белгиланади!
Омонат маблағлар нақд ва пластик карталар, ҳамда «Mkb mobile» иловаси орқали қабул қилинади.

Янги 2020 йил байрамингиз муборак бўлсин!

Қўшимча маълумотларни банкнинг ҳудудий филиаллардан ёки
(71) 202-99-99 рақами
www.mkb.uz сайтидан олишингиз мумкин.
УНУТМАНГ, МАБЛАҒИНГИЗ ИШОНЧЛИ САҚЛАНИШИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КАФОТЛАНГАН!

ҚИСҚА САТРЛАРДА ЎҚИНГ!

Баъзи давлат органларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан 20 дан ортиқ қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритилди.

ХАЛҚ РОЗИЛИГИ ЭНГ КАТТА МУКОФОТ

Бугун Фарғона вилоятининг энг чекка ва сўлим гўшаси — Сўх туманида барча соҳаларда кўп янгиликлар, ўзгаришлар ва айтиш мумкинки, асрга татигулик ишлар амалга оширилмоқда. Инсон манфаати, Ватанимизда умргузаронлик қилаётган барча фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини кафолатли ҳимоя қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айлангани айни ҳақиқатдир. Зотан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев айтганидек: «Биз ўз фаолиятимиз билан энг аввало, халқимизни рози қилишимиз керак. Агар бизнинг фаолиятимиздан халқимиз рози бўлса, Яратган ҳам биздан рози бўлади».



Ушбу сўзлар маъносини теран англаган ҳар бир раҳбар ўз фаолиятини ана шу эзгу мақсадга йўналтириши лозим. Халқ орасида бўлиш, унинг дарду муаммолари билан яшаш ҳар бир раҳбарнинг кундалик вазифаси, асосий шиори бўлмоғи лозимлиги бугунги куннинг асосий талабидир. Бугун аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизими ҳаётимизга тобора мустаҳкам сингиб бормоқда. Ҳудудларда фаолият олиб бораётган тўртта сектор раҳбарлари ҳам ушбу йўналишда қизғин иш олиб боришмоқда. Халқ дардини кимга айтади? Албатта, раҳбарга. Албатта, ҳудуднинг биринчи раҳбарига, яъни ҳокимга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан давлат органларининг аҳоли билан бевосита ишлашини назарда тутувчи янги тизим жорий қилинди. Мазкур тизим талаблари асосида ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда уйма-уй юриш, ижтимоий ва бошқа объектларни ўрганиш орқали муаммоларни аниқлаш ҳамда ҳал қилинишини таъминлаш белгиланган. Жорий йилнинг ўтган муддати давомида тумандаги секторлар томонидан юклатилган вазифалар асосида қўйидаги ишлар амалга оширилди:

Барча ҳудудий комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар штаби аъзоларидан иборат ишчи гуруҳлар томонидан 9673 мавжуд хонадонлардан 9505 таси ўрганилиб чиқилди. Ўрганиш давомида 595 та уйма-уй юриш орқали муаммолар аниқланди. Муаммонинг 503 таси тегишли тизимлар орқали ҳал этилди. 91 та муаммо ечимини топиш мақсадида қисқа ва ўрта муддатли манзилли тадбирлар режаларини шакллантириш учун таклиф киритилган.

Жорий йилнинг ушбу муддати давомида секторлар ҳудудидан Халқ қабулхонасига 549 та мурожаат тушди. Мурожаатларнинг асосий қисмини болалар нафақаси ва моддий ёрдам бериш, йўлларни таъмирлаш, ичимлик ва суғориладиган сув таъминоти, қўшни республика яйловларидан фойдаланиш, турли хизматлардан фойдаланиш, иш билан таъминлашдаги муаммолар ечими ташкил этади. Ушбу йўналишда секторларда аҳоли даромадларини ошириш, «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастуридан кенг фойдаланиш мақсадида тижорат банклари орқали имтиёзли кредитлар ажратилди. Лекин амалга оширилган ушбу тадбирлар мавжуд муаммолар ечимини тўлиқ таъминлай олмайди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан секторлар кесими бўйича Халқ қабулхонасига тушган мурожаатлар 2 бараварга камайган. Президентимизнинг Халқ қабулхонаси ва Виртуал қабулхонасига мурожаатлар тушумининг кескин камайишига таъсир кўрсатилган асосий омил секторлар раҳбарлари томонидан бевосита мулоқот асосида амалга оширилган оммавий қабулларнинг тизимли ўтказилиши ҳисобланади.



Айтиш лозим, Республикамизда тадбиркорликка жалб этиш механизмининг ҳуқуқий асослари яратилган бўлиб, ушбу асосда соҳани ривожлантириш ҳам давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Давлатимиз раҳбари томонидан амалга татбиқ этилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида қабул қилинган қатор қарор ва фармонлар, шунингдек, «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла», «Ёшлар келажагимиз» «Ҳар бир оила - тадбиркор» каби давлат дастурлари, 5 та муҳим ташаббус каби амалий ислоҳотлар бугун барчамизнинг ҳаётимизда ўз амалий ифодасини кўрсатмоқда.

Тадбиркорлар мурожаати ҳам бугун давлатимиз раҳбарининг эътиборида. Бош вазир қабулхонасининг ташкил этилиши ва ушбу қабулхона фақат тадбиркорлар мурожаатини қабул қилиб, уларнинг муаммоларини ечиши бўйича фаолият олиб борилиши ҳам ушбу масала нақадар долзараб эканлигининг далолатидир. Хўш, тадбиркорларимизни бугун қандай муаммо ва камчиликлар ўз гирдобига олган? Тизимли муаммолар ва уларни келтириб чиқарган асосий сабаблар нимадан иборат? Бош вазир қабулхоналарига келиб тушаётган барча мурожаатнинг таҳлили нимани кўрсатмоқда? Биз бугун ана шундай саволларга жавоб топишимиз керак.

Йил бошидан Бош вазирнинг Сўх туманидаги қабулхонасига жами 149 та (шундан 41 та кредит масаласи, ер ажратиш масаласи ҳамда бино ва иншоотлар бўйича 30 та, бошқалар 73 та) мурожаат келиб тушган бўлиб, шундан 144 таси ижобий ҳал қилинди. Қолган 5 та мурожаатни ижобий ҳал қилиш чоралари кўрилди.

Тадбиркорларни қийнаётган иккита муҳим масала бор:

ер ажратиш ва кредит бериш. Бундан буён ҳақиқий тадбиркор бўлиш истагида юрганларга ер ажратиш очиқ-ошкора равишда, барча учун тенг шароитлар яратган ҳолда, электрон аукцион орқали амалга оширилади. Кредит бериш тизими ҳам соддалаштирилиб (вилоят, республика банклари вакилларини тумандаги банкларга бериш орқали), ортиқча қоғозбозлик ва сарсонгарчиликларга барҳам берилади.

Президентимизнинг 2019 йил 6-7 май кунлари Фарғона вилоятига ташрифи чоғида белгилаб берган топшириқларига асосан Сўх туманидан 34 та инвестицион лойиҳалар киритилган. Лойиҳанинг умумий қиймати 127 млрд. 958 млн. сўм бўлиб, шундан ўз маблағи 71 млрд. 368 млн. сўм, банк кредити 10 млрд. 940 млн.сўм, хорижий кредит ли-

ҚИСҚА САТРЛАРДА ЎҚИНГ!
10 ва ундан ортиқ одамлар сонидан иборат ташкил қилинган гуруҳлар чипталарининг умумий қийматидан жамоавий чипта бўйича чегирмалар тақдим қилинади.





ния 300 минг АҚШ доллар ва хорижий инвестиция 5200 минг АҚШ доллар ҳисобига 369 нафар янги иш ўринлари яратилиши тасдиқланган.

Қарор иловасига киритилган 34 та инвестиция лойиҳаларидан 25 та лойиҳа 2019 йилда амалга оширилиши белгиланган бўлиб, умумий қиймати 28 млрд. 820 млн. сўм хисобига 229 нафар иш ўринлари яратилиши режалаштирилган, 9 та лойиҳа 2020 йилда амалга оширилиши белгиланган бўлиб, умумий қиймати 99 млрд. 138 млн. сўм ҳисобига 140 нафар иш ўрин яратилади.

2019 йилнинг сентябрь ойи ҳолатига кўра 21 та инвестиция лойиҳалари амалга оширилди. Ушбу инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун жами 20 млрд. 570 млн. сўм (шундан лойиҳа ташаббускорларининг ўз маблағи 18 млрд. 880 млн. сўм, банк кредит пул маблағлари 1 млрд 690 млн. сўм) сарфланди. Инвестиция лойиҳалари ишга туширилиши натижасида 198 нафар янги иш ўрини яратилди.

Сўх туманида кичик бизнес ҳамда ҳусусий тадбиркорликни ривожланиши янги иш ўринлари кўпайиши билан бирга ишлаб чиқариш маҳсулот турлари ҳам кенгайиб бормоқда. «Сўх-дон»МЧЖ аҳолини сифатли ун маҳсулотлари билан таъминлаб келаётган корхоналардан биридир. Корхонада 8 та цехда замонавий технологиялар ёрдамида 1-2-навли ун маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. «Сўх чашма» ҳусусий ишлаб чиқариш корхонасида ҳам бугунги кунда 15 нафарга яқин ёшлар меҳнат қилмоқда. Корхонада минерал сув ҳамда 8 турдаги рангли сувлар қадоқланади. «Меҳри Азизбек» хусусий фирмасига 200 миллион сўмлик кредит ажратилиши натижасида тадбиркор томонидан савдо шохобчалари ҳамда фитнес клуби ташкил этилди.

Биз доимо келажакни ўйлаб ва нурафшон эртамизни кўзлаб олға интилишимиз даркор. Чунки бугунги кунда яхши ниятлар билан қўйилган сармоя эртанги куннинг муносиб дастмоясидир. Дастмоя деганда Сўх халқи тили билан айтганда, қўлга киритилган даромад ва фойда демакдир. 2020 йилда ҳар бир ҳудудни жадал ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш бўйича устувор вазифалар ҳамда бу жараёнда хусусий тадбиркорликнинг тутган ўрни ва аҳамияти биз учун устувор вазифа саналади. Бунда туманда муваффақиятли фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар, шу жумладан фаол экспортёр корхоналар, уларнинг лойиҳалари ва эришган ютуқлари тўғрисида билишимиз фойдадан холи эмас.

2019 йил январь-ноябрь ойлари давомида туманда жами 4 200,9 минг АҚШ долларлик, шундан 1 278.8 минг АҚШ доллар миқдорида саноат маҳсулотлари, 2 922.1 минг АҚШ доллар миқдорида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспорти амалга оширилди.

Бундай мисоллар, қалбларни қувонтираётган ўзгаришлар жуда кўп. Бинобарин, биргина мақолада уларнинг барчаси ҳақида тўхталишнинг иложи ҳам йўқ. Яхшиси, минг марта эшитгандан кўра, бир марта кўрган маъқул, деганларидек, туманимизга бир келинг ва янгиланишларга гувоҳ бўлинг.

Қисқача айтганда, бугун сўхликлар Президентимиз эътибори ва ғамхўрлигини чуқур ҳис этиб, умргузаронлик қилишмоқда. Туманимиз аҳли мурожаат ва таклифларини ижро этиш мақсадида бевосита давлатимиз раҳбарининг кўрсатмаларига асосан иккита замонавий тикувчилик фабрикаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу қўшимча иш ўринлари ва албатта, даромад манбаи пайдо бўлди, деганидир. Зеро, озод ва обод Ватанда яшаш, шунингдек, фаровон ҳаётга эга бўлиш ҳар биримизнинг эзгу ниятимиздир.

Фаррух ЎСАРОВ,
Фарғона вилояти Сўх тумани ҳокими

Бекобод шаҳар ХТБ жамоаси

юртдошларимизни Янги йил байрами билан табриклайди. Хонадонларимизни тотувлик, қалбларимизни эзгулик, осойишталик, шукроналик тарк этмасин!





Тошкент шаҳридаги Инҳа университетининг бир гуруҳ талабалари C-Vision ноёб сунъий кўриш тизимини яратди.

SUVOQAVA

Тошкент вилояти «Сувоқава» давлат унитар корхонаси жамоаси

соҳада хизмат қилаётганлар қаторида барча юртдошларимизни Янги йил байрами билан табриклайди.
2020 йил дилларга қувонч ва шодлик улашсин.
Яхши ниятларимиз ижобат, ҳаётимиз файзли бўлсин!

— Азиз ватандошларимизни 2020 йил билан табриклаймиз. Барчангизга соғлиқ, хотиржамлик, бахт-иқбол тилаймиз!
Озод ва обод диёримиз бундан-да гуллаб яшнайверсин!
Қалбларимизни янги йил шодлиги тарк этмасин.

2020


JOINT STOCK COMPANY
QOQONSPIRT
AKSIYADORLIK JAMIYATI
jamoasi

КИСКА САТРЛАРДА ЎҚИНГ!

Жиззахда Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси ташкил этилди.

«O‘ZMETKOMBINAT» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини, ҳамкорларимизни ҳамда меҳмонларини Янги — 2020 йил билан самимий табриклайди. Бунёдкорлик завқи билан яшаётган юртдошларимизга ҳамиша тинчлик, кўнгил осойишталиги ва оилавий бахтиёрлик ҳамроҳ бўлсин! Ўйлаган яхши ниятларимиз, албатта, рўёбга чиқсин! Янги йилингиз қутлуғ бўлсин!



Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини электрон онлайн-аукцион орқали бериш тартиби тасдиқланди.

«Ўзбекозиқовқатсаноат» холдинг компанияси жамоаси

XK «Uzbekoziqovqatxolding»

барча юртдошларимизни Янги йил байрами билан муборакбод этади. 2020 йил оилаларимизга бахт-саодат, шодлик ва фаровонлик, қут-барака олиб келсин! Қилаётган ишларимиз мамлакатимизга, оилаларимизга омад келтирсин! Янги йилингиз қутлуғ бўлсин, азиз юртдошлар!



ҚИСҚА САТРЛАРДА ЎҚИНГ!

Пойтахтимиздаги «Наврўз» тантаналар саройида жорий йил якунларига бағишланган «Миллий спорт мукофоти – 2019» тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Одамийликнинг олий мезони

Самарқанд вилоятининг энг чекка туманларидан бири — Ургут ҳақида гап кетса, тадбиркор, меҳнаткаш, танти ва мард одамлар кўз ўнгимизга келади. Қарийб беш юз минг аҳолиси билан Ургут республикамиздаги энг гавжум ҳудудлардан бири саналади. Кўп йиллар тамакичиликка ихтисослашган мазкур туманда кейинги пайтда деҳқончилик билан шуғулланиш кенгайиб бормоқда. Боғдорчилик эса азал-азалдан маълуму машҳур. Ургутнинг узуми, майизи жуда харидоргир.



Ҳар бир қишлоқ эса ўзига хос анъаналари билан ажралиб туради. Масалан, ғўсликлар ҳунармандлиги, каманғарон, вағашти, испанзаликлар тадбиркорлиги туфайли ном қозонган. Баҳрин, Манғитобод, Жозмон, Оқмачит, Бешкапа, Найманда яшовчилар кўпроқ деҳқончилик билан шуғулланса, Бешкал, Терсак, қоратепаликлар чорвачилик ортидан тирикчилик қилишади.

Одамлари соддадил, беғубор. Юрт равнақи, эл манфаати учун астойдил хизмат қилишни яхши кўришади. Бекорчиликни ёмон кўришади. Шу боис ҳам, айниқса, бозорга йўлингиз тушса, уларнинг йўқдан йўндираётгани, борни эса дўндираётганига гувоҳ бўласиз. Ургут бозорининг довруғи, машҳурлиги ҳам бежиз эмас. Бу ерда фаолият юритадиган тадбикорлар Хитой, БАА, Туркия, Тожикистонлик ҳамкорлари билан келишган ҳолда расталарни сифатли ва арзон кийим-кечаклар, минг бир хил маҳсулотлар билан тўлдиришади. Умуман, Ургут бозорларидан ҳеч нарса харид қилмасангиз ҳам бир олам завқ олиш, юртимиздаги файзу баракотнинг нечоғлик улуғлигини англаш мумкин.

Яқинда ҳузуримга бир отахон келди. Қорақалпоғистон Республикасининг Тўрткул туманидан экан. У киши гап орасида бозоримизнинг файзи ҳақида шавқ билан сўзлаб, бир воқеани айтиб берди. Отахон шу йилнинг ёзида каттагина маблағ билан бозорга келиб, у-бу нарса харид қилибди. Дўконлардан биридан чиқишда эса ҳамёнини унутиб қолдирибди. Манзилига кетиш учун автобусга ўтирибди ва пули йўқлигини билиб қолибди. Минг хавотир билан шоша-пиша ўзи кирган дўконга қайтиб келса, сотувчи йигит, рўмолчага ўралган пулни нуронийга тутқазибди. «Беш миллион сўм, эди — дейди отахон. — Пулимдан ажралдим, деб ўйловдим, йўқ ҳаммаси жойида экан. Шундай ҳалол, бировнинг ҳақига хиёнат қилмайдиган одамлар борлиги учун ҳам бу туман, бу бозор баракали экан!»

Дарҳақиқат, мана шу кичик бир мисол ҳам одамийликни устун билган уругтликларга берилган муносиб баҳодир.



Президентимиз ташаббуси билан ҳар бир раҳбар жойларга чиқиб, одамлар орасида бўлмоқда. Уларнинг дарду ташвишларини ўз кўзлари билан кўриб, мавжуд муаммоларга ечим топишга бош-қош бўлмоқда. Муҳими, бу орқали халқ билан мулоқот энг самарали усул эканлигини англаб етяпмиз. Одамлар билан бирга бўласиз, уларнинг юз-кўзига боқиб, мурожаатини эшитасиз. Сектор раҳбарларининг қишлоқма-қишлоқ юришлари эса ўз натижасини кўрсатмай қолмайди, албатта.

Масалан, Ургут тумани «Ипакли» маҳалласи «Халқабод» қишлоғида истиқомат қилувчи фуқаролар томонидан қишлоқ ички хўжалик йўлини таъмирлаш масаласида мурожаат қилинди. Бориб ўргандик. Шағалтош ётқизилган йўлнинг айрим қисмларини таъмирлаш мақсадида аҳоли томонидан тупроқ ётқизилган, ёғингарчилик натижасида тупроқ лой кўчага айланиб кетган. Шу ва туман ҳудудидаги бошқа автомобиль йўллари босқичма-босқич давлат дастури ҳамда ҳашар йўли билан таъмирланмоқда.

Туманда тадбиркорлар кўп. Уларнинг қилаётган ишларидан эса кўнгил яйрайди. Ана шундайлардан бири Манғитобод қишлоғида яшовчи Бахтиёр Эршаевдир. У ўз қишлоғида мини стадион қуриб, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун қулай шароит яратиб берди. Куни кеча ушбу стадионнинг очилиш маросимини ўтказдик. Болажонлар роса хурсанд бўлишди. Худди шу қишлоқда яшовчи яна бир тадбиркор Ғиёс Низомов эса ўз маблағлари ҳисобидан тўй маросимларни ўтказишга мўлжалланган бино қурди. Ҳадемай ушбу кошонани ҳам фойдаланишга топширамиз. Ўзгалар манфаатини ўйлаган мана шундай тадбиркорлар сафи кенгаяверсин.

Кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиш, уларга кўмаклашиш ҳам доимий эътиборимизда. Мисол учун Аълохотин маҳалласида ўтказилган сайёр учрашувда биринчи гуруҳ ногирони А. Жуманов оиласига газ плитаси совға қилинди. Юқори Қайроқли маҳалласида бўлиб ўтган мулоқотимиз давомида фуқаролар томонидан кўмир, ички йўлларни таъмирлаш ва электр энергияси, тиббий газ етказиш бўйича қилинган мурожаатларни ўрганиб чиқдик. Ушбу масалалар ижросини таъминлаш бўйича туман ташкилотларига топшириқ берилди. Сайёр қабулдан сўнг маҳалладаги ногиронлиги бор ва кексалар ҳолидан хабар олиниб, уларга озиқ-овқат маҳсулотлари улашилди. Шунингдек мазкур маҳаллада яшовчи Турон бобо Бердиевга қўлтиқ таёқ олиб берилди. Санчиқул маҳалласида яшовчи фуқаро Баҳодир Зоҳидовнинг яшаб турган уй-жойи жорий йилнинг 13 декабрь куни бахтсиз тасодиф туфайли ёниб кетган эди. Ушбу хонадонга туман ҳокимлиги томонидан барча керакли ёғоч материаллари олиб берилди.

Бундай мисолларни келтиришдан мақсад шуки, одамларга озгина эътибор ва меҳр кўрсатсангиз, улар сизни бошига кўтаришади, чин дилдан дуолар қилишади. Энг муҳими, улар билан қанча кўп ҳамнафас бўлсак, шунчалик ишимиз бароридан келади. Яқинда оилам билан қиш фаслида тоғли ҳудудда яшаётган аҳолининг турмуш тарзини ўрганиш, қишлоқ аҳли ҳаёти, оддий кун кечинмаларини ўз кўзим билан кўриш, ҳис этиш учун бир тун қишлоқда меҳмон бўлдим.

Икки нафар фарзандим ва турмуш ўртоғим билан туманнинг энг чекка тоғли қишлоғи Сойгўсда бўлдик.

Сойгўс маҳалласи туманнинг энг чекка тоғли ҳудуди охирги қишлоғи ҳисобланади, бу ерда 5 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Қишлоқ аҳли одамларига таъзим қиламан. Мени ва оиламни самимий, юракдан қабул қилганлари учун. Қишлоқларда муаммолар ҳам етарли, ҳокимликнинг бу ерларда амалга оширадиган ишлари талайгина. Қишлоқ аҳли билан кенгашиб, ўзим бажаришим керак бўлган ишлар чора-тадбирларини белгилаб олдим. Режалар туздим.

Умид қиламанки, бу режаларимиз амалга ошиб, эл-юрт олдида юзимиз янада ёруғ бўлади.

Маматжон ТУРДИЕВ,
Самарқанд вилояти Ургут тумани ҳокими



КИСКА САТРЛАРДА ЎҚИНГ!

Ярадор бўлган ҳарбий хизматчилар, ишчилар ва хизматчилардан 1 ва 2-гуруҳ уруш ногиронлари ҳамда уларга тенглаштирилган шахсларга Темир йўлларда йилига бир марта бепул юриш ҳуқуқи (бориш-келишга) берилди.

«Фарғонаазот» акциядорлик жамияти жамоаси

2020

барча юртдошларимизни янги — 2020 йил билан муборакбод этади. Келаётган йил оилангизга бахт, омад олиб келсин!

Юракларнинг туб-тубидан ўрин олган барча орзуларингиз ижобат бўлсин. Тинчлигимиз барқарор, истиқболимиз порлоқ, байрамларимиз бардавом бўлаверсин!



КИСҚА САТРЛАРДА ЎҚИНГ!

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Денов университетини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори лойиҳаси жойлаштирилди.

2020

«BUNKER» пойабзаллари жамоаси

BUNKER
FOOTWEAR







Диёримиз аҳлини кириб келаётган 2020 йил билан қутлайди. Янги йил жонажон Ўзбекистонимизга тўкинлик, ўлкамизга файзу барака олиб келсин. Озод ва обод Ватанимиз равнақи йўлида меҳнат қилаётган юртдошларимизнинг барча орзу-умидлари рўёбга чиқсин! Халқимизга бунёдкорлик, саховатпешалик, байрамона кайфият ва меҳр-оқибат мангу ҳамроҳ бўлсин!





Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ҳамда Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида Абул Муин Насафий илмий меросига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

«FARGO‘NA YOG‘-MOY» акциядорлик жамияти жамоаси:



— 2020 йил қалбларингизга қувонч олиб келсин. Ҳар бир кунингиз Янги йилдай ўтсин! Оилаларимиз тинч-осойишта, рўзғорларимиз тўкин-сочин, Янги йилимиз баракали бўлсин! Қалбларимизни эзгулик, хотиржамликлик ва шукроналик тарк этмасин! Янги йилда ҳам улкан марралар ёр бўлсин!





«Наманган» эркин иқтисодий зонасида Хитой инвестицияси негизида «UFA Garments» МЧЖ шаклидаги хорижий корхонаси барпо этиш лойиҳасига старт берилди.

Қалби қайноқ одамлар даврасида

Янги йил арафасида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси масъул ходими, шоир Шоди Отамурод билан Андижон ва Наманган вилоятларида ижодий сафарда бўлдик.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурдек улуғ аждодимиз таваллуд топган ва яна қанча аломалар яшаб ўтган табаррук заминдаги дастлабки манзилимиз Андижон шаҳридаги Муҳаммад Юсуф номидаги ижод мактаби бўлди.



Мактаб директори — Шоҳистахон Нурматова бизни шоир ҳаёти ва ижоди акс этган, турли экспонатларга бой музейга чорлади. Бу ерда халқимизнинг севимли шоири Муҳаммад Юсуфнинг шахсий буюмлари, ёзган шеърларининг ўз қўли билан ёзилган қораламалари, оила аъзолари ва мамлакатимизнинг атоқли адабиётшунос, шоиру ёзувчилари билан тушган фотосуратларини кўриб гўё руҳан шоирнинг ўзи билан учрашгандек ҳаяжонландик. Муҳаммад Юсуфнинг деворидаги жилмайиб турган таниш фотосуратларига боқиб қулоқларимиз остида севимли шоиримизнинг:

« О, ота маконим,
жонажон ўлкам,
Ўзбекистон, жоним
тўшай соянгга.
Сендек меҳрибон йўқ,
сендайин кўркам,
Римни алишмасман
бедапоянгга!»

— деган меҳрли овози жаранглагандек бўлди. Эҳ-ҳе, ўйлаб қарасак, Ҳамид Олимжон ва Абдулла Ориповдан кейин Ватан ва халқ ҳақида энг кўп ёзган шоир ҳам Муҳаммад Юсуф экан. Музейда нафақат шоирнинг болалик чоғларидан то етуклик пайтларигача бўлган даври, балки унинг вафотидан кейин давлатимиз ва халқимиз томонидан унинг хотирасига қаратилган юксак эътибор, Муҳаммад Юсуф номини абадийлаштириш бўйича қабул қилинган муҳим тарихий ҳужжатлар ҳам жой олган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан очилган, ўзбек тили ва адабиёти фанини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мазкур ижод мактаби гўё Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф қалбида ушалмай қолган эзгу орзу-истакларини рўёбга чиқарувчи бир ажойиб маъводир, десак адашмаган бўламиз.

Замонавий жиҳозланган мактаб-интернатда фаоллар зали, спорт зали, педагог-ўқитувчилар ва ўқувчилар учун мўлжалланган шинам ошхона, 120 ўринли барча шроитларга эга кенг ва ёруғ ётоқхона, ҳар бир фанларга хос жиҳозланган ўқув хоналари, кимё ва физика лаборатория хоналари ҳамда компьютер хонаси мавжуд.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Андижон вилоят бўлими томонидан Муҳаммад Юсуф номидаги ижод мактабининг 46 нафар ўқувчиларининг ижоди жамланган «Умид гунчлари» номли баёз чоп этилибди.

— Халқимизнинг севимли шоири, ватанпарвар юрт фарзанди Муҳаммад Юсуф номи билан боғлиқ ушбу маърифий-маданий масканлар кўплаб истеъдодлар кашф этилишига хизмат қилиши шубҳасиз, - деб ёзади Андижон вилояти ҳокими Шуҳратбек Абдурахмонов мазкур тўпламга ёзган «Муҳаммад Юсуф издошлари» номли сўзбошисида.

Мухтасар айтганда, бу ижод мактабига шоир Муҳаммад Юсуфнинг қутлуғ номига муносиб ўғил-қизлар таҳсин олаётганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Мактабга ёндош Муҳаммад Юсуф номидаги хиёбондаги моҳир ҳайкалтарош Шоҳруҳ Ўрозов томонидан яратилган, шоирнинг маҳобатли бюсти олис-олисларга теран нигоҳ ташлаб, ўз юртида амалга ошираётган улкан бунёдкорлик ишларини кўриб, қувониб тургандек гўё. Ландшафт дизайнидаги сўлим сайилгоҳ, мўъжазгина майдоннинг икки томонидаги мармар фавворалар, бюстнинг орқа томонидаги нақшинкор миллий архитектура намунаси билан муштаракликда ажиб мутаносибликни касб этган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими мутахассиси Восит Аҳмаднинг айтишича, Андижон шаҳрида вилоят ижодкорларининг «Нафосат» клуби фаолият кўрсатар экан. Ижодкорлар бир ойда икки-уч маротаба йиғилиб, ўз ижод намуналарини бир-бирларига ўқиб бериб, ўзаро фикр алмашар эканлар. Ҳатто ижод клубининг анжуман баённомалари, иштирокчиларнинг шеър, ҳикоя ва бошқа ижод намуналари ҳамда анжуманлардан фотолавҳалар ёритилган «Нафосат гулшани» номли бюллетень чоп этилар экан.

Андижон олимпия заҳиралари мактаб-интернатида «Беш муҳим ташаббус» ижроси доирасида «Ёш ижодкорлар» кўрик-танлови ҳам ўтказилаётгаан экан. Тадбир ташкилотчилари Республика маънавият ва маърифат маркази ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими ходимлари биздан мазкур танловга ҳакамлик қилиб, ғолибларни аниқлаб беришимизни илтимос қилишди. Танловда вилоятнинг барча туманлари ҳамда Андижон шаҳридан ташриф буюрган 50 дан ортиқ 10 ёшдан 17 ёшгача бўлган ёш ижодкорлар иштирок этишди.

Андижондаги икки кунлик ижодий сафаримиз ниҳоясига етгач, Наманган сари йўл олдик. Бизни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Наманган вилояти бўлими раҳбари, истеъдодли ижодкор Жамолиддин Муслим, бўлимнинг етакчи мутахассиси, шоир ва публицист Абдумуталлиб Қосимовлар кутиб олишди.

Наманган шаҳрида сўнгги йилларда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари самарасини ўз кўзимиз билан кўриб, меҳнаткаш ва оққўнгил халқи билан суҳбатлашар эканмиз, Президентимиз «Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз» номли асарида «Наманган вилояти деганда, аввало, гўзал ва бетакрор бир ўлкани, мана шу табаррук заминга улкан меҳр ва содқат билан яшаётган, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ва Ватанимизни янада равнақ топтириш йўлида тиним билмасдан меҳнат қилаётган, фидойи ва бағри кенг инсонларни кўз олдимизга келтирамиз» деб ёзганлари бежиз эмаслигини ҳис этдик.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси масъул ходими, шоир Шоди Отамурод, мен ҳамда наманганлик серқирра ижодкор — Абдумуталлиб Қосмовлар билан биргаликда Наманган шаҳридаги 52-умумтаълим мактабида ижодий учрашувни бошлаб юбордик. Абдумуталлиб ака Наманган азалдан Маҳдуми Аъзам Косоний, Бобораҳим Машраб, Фазлий, Нодим Намангоний, Исҳоқхон Ибрат каби шоир ва маърифатпарварларнинг юрти экани ҳақида гапириб, ўз шеърларидан намуналар ўқиб берди.

Мактабда адабиётга ва санъатга меҳри баланд ўқувчилар талайгина экан. Хусусан, мактабнинг 7-синф ўқувчилари Моҳларойим Садриддинова ва Зиёдахон Аҳмеджоновалар Ватан ва она ҳақида ўзлари ёзган, шеърларини ўқишганида, залга сукунат чўкди. Сўнг сукунат ўрнини давомли қарсаклар эгаллади. Дилшодахон Туҳфатуллаева номли қизимиз эса ўзи ёзган «Беш муҳим ташаббус« номли шеърини ифодали ўқиб берди. Мактабнинг рус тили ўқитувчси Ҳакима Абдуллаева ҳам анча-мунча ижод қилиб турар эканлар, у кишининг аёллар, она ва она юртимизга бағишлаб ёзилган шеърлари гулдурос қарсаклар билан олқишланди.

Шу куни Абдумуталлиб ака



бизни Наманган шаҳрида қурилаётган, Осиёда ягона бўлган «Афсона» боғи сари бошлади.

— Эҳҳе, бу ерда оламшумул ишлар бўляпти-ку, — деб юборди шоир Шоди Отамурод атрофга кўз ташлаб.

Дарҳақиқат, қурилаётган ажабтовур бинолар, замонавий аттракционлар ва болажонлар мириқиб ўйнаши учун ўрнатилаётган поездча, темир тулпорлар ва жажжи автомобиллар уларнинг завқига завқ қўшишига ишончимиз комил бўлди.

«Афсона» боғи ҳали битмаган бўлса-да, кираверишда ўрнатилган харитага кўз ташлар эканмиз, бу ерда эркаклар ва болалар кийим-кечак дўконлари, ресторан, кафе ва офислар, бизнес офислар, аёллар кийими дўконлари, болалар ўйинчоқлари дўконлари, «Гўзаллик салони» ва фотосалони фаолияти кўрсатишини билиб олдик.

Сафимизга яна бир истеъдодли ижодкор — Абдуваҳоб Алимов ҳам қўшилди. Биз тўртовлон Тўрақўрғон туманидаги «Исҳоқхон тўра Ибрат мажмуаси» томон йўл олдик.

Исҳоқхон Ибрат номли хорижий тилларга ихтисослашган мактаб-интернатидаги 143 нафар ўқувчига таълим-тарбия бераётган 25 нафар ўқитувчининг барчаси олий маълумотли экан.

Вазирлар Маҳкамаси қарорида кўрсатилганидек, мактаб интернатида 7 та тил: инглиз, немис, француз, рус, араб, корейс, хитой тиллари ўқитилар экан.

Мактаб-интернат ўқув биноси 120 ўринли бўлиб, тил ўргатиш маркази — 140 ўринли, 10 ўринли спорт зали ва шунча ўринли ошхона фаолият кўрсатмоқда.

Мактабга Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент давлат шарқшунослик институти етакчи профессор-ўқитувчилари методик жиҳатдан ёрдам бериб келишмоқда. Мазкур олий ўқув юртларининг Ибрат мактабида махсус методик марказлари ташкил этилган бўлиб, улар мунтазам тренинглар (кўпинча онлайн усулда) олиб боришдилар. Ёзувчилар уюшмаси аъзолари билан режа асосида Маҳорат дарслари йўлга қўйилган.

Мактаб ўқувчилари билан учрашиб, уларнинг турли хорижий тилларни мукаммал ўрганаётганликларининг гувоҳи бўлдик. Бу ерда ҳам иқтидорли ёшлар кўп экан. Мактаб ўқувчиси Дилобар Маҳмудова бу йил «Ёш китобхон» танловида иштирок этиб, Республика босқичигача чиқиб, совриндор бўлибди.

Наманган тиббиёт коллежидаги учрашувда Истиқлолга бағишланган шеърларимиздан ўқиб бердик. Бир неча талабалар ҳам сўзга чиқиб, Эркин Воҳидов, Абулла Орипов ва Муҳаммад Юсуф шеърларидан ифодали ўқишди.

Андижон ва Наманган вилоятларида бўлиб, маънавий маърифий тадбирлар ва ижодий учрашувлар ўтказар эканмиз, водий аҳлининг адабиёт ва санъатга меҳри ғоят баланд эканлигини ҳис этдик. Нима сабабдан бу диёрдан улкан шоир ва маърифатпарвар етишиб чиққанини англагандек бўлдик. Энг муҳими, одамлар қалбига оз бўлса-да, эзгулик ва нафосат нурини улашиб, янги ижодкор дўстлар орттирдик, келгуси ижодимиз учун ўз қалбимизга ҳам туғёнлар ва катта руҳий мадад олиб қайтдик.

Зикрилла НЕЪМАТОВ,
Республика «Маърифат» тарғиботчилар жамияти аъзоси, шоир

ҚИСКА САТРЛАРДА ЎҚИНГ!

Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашидан бир гуруҳ вакиллар Хитойнинг Шандун провинциясида бўлиб, экинлар етиштиришнинг энг илғор усуллари билан танишиб қайтди.



Маҳмуд САЪДИЙ

МЕН БИЛГАН

Бутун умри маърифатга бағишланган, матбуот обрўсини кўтаришга бел боғлаган, ушбу мақсад йўлида юзлаб шогирдларни тарбиялаган устоз, Маҳмуд Саъдий бир муддат олдин ушбу мақолани таҳририятимизга юборган эдилар... Устознинг охиратлари обод бўлсин!

Тил масаласи — анчадан бери ҳал бўлмай келаётган муаммо. 80-йилларнинг охирида тил борасида қаттиқ кураш кетган. Ўша ҳаракатлар натижасида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган эди. Ўшанда «Она тили» деган газета ташкил этишни таклиф қилгандим. Жиддий минбар бўларди. Нега она тилимиз бу аҳволга тушиб қолди десак, бунга мустақилликнинг дастлабки йилларидаги иқтисодий қийинчиликлар ҳам сабаб бўлди. Лекин қонун қабул қилингандан кейин ҳам тилни сақлаш ва тилни ривожлантириш ҳақида жиддий ишлар олиб борилмади. Айтайлик, юқори идораларда тайёрланган материаллар рус тилида ёзилди, рус тилида жўнатилди. Бу ҳам ўзбек тилига салбий таъсир қилди. Натижада давлат тилига эътиборсизлик кучайди. Тил жонкуярлари камайди. Булар энг аввал иқтисодий муаммолар баҳонасида мактаблардан бошланди, шекилли. Мактабларда она тилига эътибор сусайди. Ўқитувчиларнинг маошлари камлиги оқибатида яхши-яхши мутахассисларимиз мактабдан кетиб қолгандан кейин таълим бериш заиф одамлар қўлида қолди. Бунинг устига олий мактабларга ватан корига яраш, эртанги зарур ишларни қилиш мақсади билан эмас, диплом олиш, тирикчилик ўтказиш мақсадида кириш бошланди. Нафс балоси — порахўрлик авж олди.

Тил — Ватан. Тил — халқнинг ор-номуси. Халқ бир силкиниб олиши керак. Агар сен ўзингни ҳимоя қилмасанг, тўғри гапни айтмасанг, хор бўласан.

Матбуотда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг кўп гапларидан кейин ҳақ сўзни ёзиш бошланди. Мен танқидга сал бошқачароқ қарайман. Матбуотдаги танқидий эмас, тафтиш қиладиган, муаммолар моҳиятига кириб борадиган тадқиқот характеридаги таҳлилий мақолаларни танқид деб биламан. Танқиддан мақсад нима? Аҳволни яхшилаш. Ерга уриш, бировни хафа қилиш эмас. Албатта, танқид яхшиликка хизмат қилиши керак. Эндиги гап журналистнинг журъатида. Бизда журъат етишмайди. Жуда кўпчилик ухлаб ётибди. Илгари оғизга уриб келинган одам бирдан эркин фикрлаб кетмас экан! Қонга ўтириб қолар экан. Гап қул бўлган одамда эмас, қулларча фикрлашда. Гап яна таълимга бориб тақалади. Таълимга пора билан кириш қуллик психологиясини кучайтириб юборди. Диссертация қилаётганимда бир параграф киритгандим: «Ойбек романларида қуллик психологияси». Тузатиш керак, дейишганда ёқламадим. Кўнглимдаги гапни айтмасам, нима кераги бор бундай тадқиқотнинг?

Биз ўзимизни англашдан безиб қолдик. Одамзод нима учун дунёга келади, одамга ўхшаб яшаш учун. Қуллик қилиб, ялтоқилик қилиб яшагандан кўра яшамаган яхши. Ҳақиқий гапни айтадиган, бор гапни айтадиган одамгина яшайди. Ҳақиқий яшаш шундай бўлади.

Мен журналистика йўналишида ўқиганман, лекин ўзимни мустақил адабиётчи этиб тайёрладим. Навоий кутубхонасида уч йил ишладим, зарур иш бўлмаса, кутубхонадан чиқмасдим. Ўқишга кираётганимизда ҳамма курсдошларим Ватанга хизмат қиламан, адолатсизликка қарши курашаман деб кирган. Ҳозир бунақа туйғу сезилмаяпти. Тирикчилик учун ҳаммаси. Шуҳратпарастлик ҳам тирикчиликка киради.

Мен идеалист бўлганман. Юрагимда бир олов бўлган. Бу олов ҳозир ҳам ўчган эмас. Ҳамма нарсани ёзиб бўлмасди, чиқариб бўлмасди... 84-йиллар бўлса керак. Мунавварқори ҳақида гапириб бўлармиди? Унинг Ҳамзага ёзган хатларини олиб, йўлини қилиб мақола чиқарганман. Муҳим фикрларни ўтказганман. Айтиб бўлмайдиган гапларни бошқаларнинг ёзганларига киритиб юборганман... Ўзимнинг орзуларим, ўзимнинг ўйларимни ўтказганман. Эътиқодингиздан қайтманг. Ҳозир эътиқод деган нарса кўпда йўқ, афсуски. Диёнат, эътиқод, инсоф йўқолиб кетяпти. «Инсофни ўзига берсин», деган гап тўғри. Ўзингиздан бошлаб фарзандларингизни яхшилаб тарбиялаш пайида бўлиб шунга эришолсангиз, Ватанга бундан зўр хизмат бўлмайди.

Варварлар Римга ҳужум қилганда ибодатхонанинг устидан чиқади. Ибодатхонадаги ғозлар «ға-ға»лаб одамларни уйғотиб юборади, Рим душмандан озод бўлиб қолади

Одамзод банда-да, тирикчилигини ўйлайди. Айб қидирсангиз, айбсиз одамни топиш даргумон. Ҳозиргача журналистикага йўл йўқ эди. Журналистлар унақа-бунақа деган гапга мен унчалик қўшилмайман. Криловнинг бир масали бор: булбул сайроғини эшитмоқчи бўлиб бургут уни бўйнидан сиқиб туриб: «Қани сени жуда мақташади. Бир сайра-чи», дейди. Булбул сайрай оладими шу аҳволда? Шунақа аҳволга солинган журналистни айблай оламизми? Мажбурий обунани ким ўқийди, мен ҳам ўқимайман. Ҳозир йўл очилди. Ҳаддан ошишлар бор. Лекин тўғри гаплар ҳам кўп ёзиляпти. Энди келаётганлар кучли бўлади. Мен журналистиканинг келажагига ишонаман. Биринчидан, ўқувчининг манфаати биринчи ўринда туриши керак. Варварлар Римга ҳужум қилганда ибодатхонанинг устидан чиқади. Ибодатхонадаги ғозлар «ға-ға»лаб одамларни уйғотиб юборади, Рим душмандан озод бўлиб қолади. Аждодлар номи билан мақтаниб юрадиган одамлар бизда жуда кўп. «Бобур бизнинг бобомиз, Навоий бизнинг бобомиз», деб юради. Ўзинг нима қилдинг? Оддий одам бўлсанг ҳам нимадир қилдингми? Меҳнат қилиш керак. Қўл учида эмас, астойдил. Касбни пухта эгаллаб меҳнат қилиш керак. Уйғонишимиз керак. Биз мудраб ётибмиз, майда-чуйда ишлар билан шуғулланиб.

Невараларим боғчадан келиб, байрамга тайёрланиб шеър айтишади. Дастлаб хурсанд бўлдим, бизнинг болалар шеър айтади деб. Сўзларига эътибор берсам, кўнгилдагидек эмас. Бўшгина шеърлар, шеър демаса ҳам бўлади. Кейин жаҳлим чиқди. Шу соҳанинг одамлари қарамайдими, педагоглар шуғулланмайдими? Нега шуни менинг ўзим қилмаганман? Қўлимдан келади, менингча. «Болалар адабиёти» деган рукн очайлик дедим, бош муҳаррир ҳам маъқуллади. Ахлоқий ва таълимий жиҳатдан унча катта талаблар қўйиб бўлмайди. Лекин болалар ўқиб қабул қиладиган саҳифалар қилмоқчи бўлдим. «Авесто»дан бошладим. Кўп ёзувчи-шоирлар бор, тадбирлардан бўшамайди. Китоблари чиқмайди. Энг аввал шуларнинг асарларини ўқувчиларга етказишни ўйлаганман. Рўйхатдаги учта-тўртта халтурачидан иборатмас болалар адабиёти, Қамбар Ота, Қудрат Ҳикматга ўхшаганлар ҳам бор. Уларнинг ҳам камчилиги бор, лекин яхши жиҳати кўп-да!.. Умуман, мана шу болалар адабиётини бир том бўладими, икки том бўладими, хрестоматия қилиш ниятим бор.

Бир гапни айтиб кетиш шарт: агар сиз ўзингизни тарбияламасангиз, ҳеч ким сизни тарбиялай олмайди. Одам ўзини ўзи тарбиялаши учун унга ақл берилган, жузъий ихтиёр берилган Худо томонидан. Одамларни англашга, дунёни англашга интилиш керак. Ҳамиша ҳаётнинг, бадиий адабиётнинг моҳиятига етишга ҳаракат қилиш керак.

Ёшларга дарс бераман, улар билимда жуда олдинга кетган эмас. Савол беришни билмайди. Савол бериш учун одам нимадир билиши керак. Ёзганда ҳам фикрини тўғри ифодалай олмайди. Ваҳоланки, улар бўлғуси филологлар. Энди борига яраша-да. Ҳар жиҳатдан билимдон, билимга интилувчан болалар ўқишга қабул қилинса, қанийди. Ҳукумат ўқитувчиларнинг ойлигини кўтарди. Ўқитувчилар мактабга қайтяпти. Демак, таълим соҳасида ўзгаришлар бўлади.

Ҳамма нарсанинг ўз оти бор, бу юмларнинг ҳам, асарларнинг ҳам. Шундай буюк асарлар борки, уларнинг номини тилга олсангиз, бир одамни эслагандек бўласиз. Айтайлик, қадимдан келаётган «Авесто», «Хамса», ёхуд «Ўлик жонлар»... бундай асарлар одамдек яшайди. «Ўлик жонлар»ни чиқаришга цензура рухсат бермаган, «Ёхуд Чичиковнинг саргузаштлари» деган қўшимча ном ўшандан пайдо бўлган. Чеховнинг бир ҳикояси бор. Унинг номи эртак ҳам бўлган, бошқа ҳам бўлган. Охири ном тополмай, «Сарлавҳасиз» деб ном қўяди. «Бундан миллион-миллион йиллар аввал ҳам қуёш Шарқдан чиқиб Ғарбга ботарди», деб бошланади. Бир руҳоний шаҳарга боради. Шаҳарда фисқу фасод, ифвогарлик, бемаза, нотўғри ишларни кўради. Қишлоққа қайтиб, бундай қилмайлик дея одамларга насиҳат қилади. Эрталаб ибодатга чиқса, черков ҳувиллаб ётган экан. Ҳамма ўша шаҳарга кўчиб кетибди. Бу инсоният табиатидаги кусур. Заиф банда доим енгил нарсаларга, ўйин-кулгуга ишқибоз.

Ўзининг шахсий манфаати учун ҳақиқатнинг юзига оёқ босиш паст иш. Қўлёзмалар ёнмайди, деган руснинг мард ёзувчиси Булгаков. Сталин билан юзма-юз тортишган. Беш томлигини ўқисангиз, ҳам изтироб

ҚИСҚА САТРЛАРДА ЎҚИНГ!
Сирдарё вилояти Янгиер шаҳрида «Янгиер» санаторийси фойдаланишга топширилди.

ҲАҚИҚАТЛАР



чекасиз, ҳам инсоннинг мардлигига қойил қоласиз. Биз имкониятдан фойдаланишни хоҳламаймиз. Ялқов бўлиб қолганмиз. Мана шундай зўр инсонларни тарбиялаш учун эркин муҳит яралиши керак. Ижод эркин бўлмаса, ёзувчи эркин фикрламаса, адабиёт эркин бўлмайди. Бизда қолишга тушиб қолган ҳаммаси. Бизда темирйўл, довонларда йўл қурилишига аталган роман, қисса, поэма ёзишади. Чунки қаҳрамон бўлмоқчи. Тасаввур қилолмайман лаганбардорнинг қаҳрамон бўлишини.

Мени хурсанд қиладигани ёшлар орасида ўзини ўзи тафтиш қиладигани анчагина. Демак, биз уйғоняпмиз. Аммо ухлаётганлар кўп орамизда. Агар одамнинг кўзи очиқ бўлса, дунёдаги воқеаларни тўғри идрок қилса, одамларни тўғри тушунса, у ёзувчи бўлмаса ҳам миллатнинг кўзини очади. Шунақа одамлар бор, улар одамларни уйғота олади.

Тарихни халқ яратади, деб одамларнинг кўзига қум сочишади. Тарихни шахслар яратади, қўлидан иш келадиган одамлар яратади. Шахс бўладиган одамнинг бошига уриш эмас, қўллаб-қувватлаш керак, унга муҳит яратиш керак.

Салжуқийлар ҳукмдори Алп Арслондан сўрашибди: шундай қудратли империя нега парчаланди? «Бунга сабаб шуки, биз қўлидан иш келадиган одамларга майда-чуйда ишларни бердик. Қўлидан иш келмайдиган пандавақиларга катта-катта вазифаларни топширдик. Катта вазифаларни улар эплолмади. Наригилар эса ишини писанд қилмади», деган экан. Ҳар бир раҳбарлик қиладиган одамни ўз жойини топиб қўйиш керак. Фалон жойни битирган, фалон медални олган, деган гаплар иш бермайди. Энг катта унвонларимизни олганлар ҳақиқий асар қандай бўлишини билмай ўтиб кетди. Эҳтимол билишни хоҳламагандир. Жилпиллаб ҳамманинг олдида ўзини кўрсатиб шеър ўқиб юрганларга қараб баҳо бермаслик керак. Улар адабиётнинг устидаги кўпиклар. Бировларга орқа қилади бундайлар. Улар кун кўриш билан овора.

Бизнинг одамларимиз майдалашиб кетган. Интернетда бир масала

Миллатнинг виждони ким десангиз, Рауф Парфи, Чўлпон Эргаш, Маъруф Жалил тирик пайтда шулар дейишим мумкин эди. Ҳозир қийналаман.

қўтарилса, асосий гаплар бир четда қолиб майдалашиб кетишади. Шунча вақт димиқиб яшаган одам ўзини эркин сезганда ўзини жуда эркин қўйворади. Ичидаги гапларни айтишга уринади. Шунақа вақтлар ҳам бўлар экан, шекилли. Яна бир силкиниб ўз ҳолимизга келамиз.

Сен шоир бўлмаслигинг мумкин, лекин граждан бўлишинг шарт, деганди Некрасов. Граждан дегани ўзининг қадрини биладиган, бошқаларни қадрлайдиган, ҳаётни тўғри тушунадиган, танқидни тўғри қабул қиладиган, мақтов бўлса ҳам ҳовлиқиб кетмайдиган одам. Ҳар бир одам қиладиган ишини аниқ билиши керак. Бу дунёда қиладиган ишингни билмасанг, яшашнинг нима кераги бор? Бизда ўз-ўзини тергаш етишмайди.

Бурҳониддин Марғиноний ҳақида Мисрда китоб чиққан: «Бурҳониддин Марғиноний — муроса қаҳрамони». Ислом — муроса дини. Тотувликка чақирадиган дин. Бизнинг бахтимиз — динимиз ислом бўлгани. Буни биров тан олади, биров тан олмайди, ўзимиз ҳам баъзида шаккоклик қилиб қўямиз. Лекин бор ҳақиқат шу.

Грузинларнинг бир адиби Темур ҳақида «Чўлоқ хўроз» деган ҳикоя ёзган. Унинг асарларини кино, спектакл қилишди. Туппа-тузук одамлар шу ҳикояни тарғибот қилишди. Ёзувчи Темурни «Чўлоқ хўроз» деб турса... Ваҳоланки, «Грузиянинг фалон дарёсида балиқ ови» деган ҳикоя учун грузин ёзувчилари залдан чиқиб кетганди. Нега? Биз оримизни йўқотиб қўйдик. Бундан қанча тез қутулсак, шунча яхши. Аммо бу оғир иш. Лекин бундай қолиш мумкин эмас. Ҳамма иллат ўзимиздан. Ўзимиз тузатишимиз керак. Кун кўриш эмас, яшаш керак. Фақир-пастак бўлиб эмас, граждан бўлиб яшаш керак.

Таназзул ҳақида гапирдик. Таназзулдан чиқишга интилиш бор. Лекин тўла чиқиб кетмадик. Бундан қутулмасак, оқибати жуда ёмон бўлади. Бунга мисол қилиб Қадимги Римни олайлик. Улар қорнини, нафсини тўйдириб, маишат биринчи ўринга чиққани оқибатида таназзулга дучор бўлди. Ахлоқсизлик, адолатсизлик ҳалокатга олиб боради.

Урушдан кейин бизда ҳам вазият бўлган, оғир вазият, лекин одамлар бир-бирига ёрдам берган. Ҳозир тўқчилик. Одамлар шу даражада манман, шуҳратпараст, нафсига берилганки, бу мени ташвишга солади. Одамнинг ўзига инсоф берсин.

Миллатнинг виждони ким десангиз, Рауф Парфи, Чўлпон Эргаш, Маъруф Жалил тирик пайтда шулар дейишим мумкин эди. Ҳозир қийналаман.

Анча машаққатли умр кечирганман. Шундан розиман. Шу дунёга келганимдан, Ўзбекистонда туғилганимдан, ўзбек бўлганимдан фахрланаман. Экскаватор ҳайдаб юрганимда энди лавозимим ошаётганида ишни ташлаб, ўқишга келганман. «Ленин уқуни»да ишлаганимда 130 сўм эди ойлигим, 83 сўмга «Шарқ юлдузи» журналига ишга ўтганман... Демоқчиманки, шу чоққача кўнглим нима хоҳласа шуни қилиш пайидан бўлганман. Болаларим баъзан норози бўларди. Пешоналарингга шундай ота битган, деганман. Мен ўзгармайман. Диссертация ёқламаганимнинг сабабини айтдим, адабиёт ва илм аҳли орасида ўрним бор, деб ўйлайман. Фикрим билан ҳисоблашишади. Ишонишади. Чунки нима ўқисам, хато бўлса ҳам, тўғри бўлса ҳам ўйлаганимни айтаман. Ижод деймизми, касб деймизми, Адабиётни яхши кўраман.

Одамга ўхшаб яшашга доим интилиб келганман ва шу йўлдан боряпман ҳалиям. Ҳар ҳолда, мен ўзимни яшаётганлар қаторига қўшаман. Халқ менсиз тўкис эмас дейишга қандайдир маънода алоқам бор, деб ўйлайман.

Тарбия биринчи ўринда туради

Жиянларим Токиода ўқийди.

Укам бошқа ишга ўтган, ишига яқинроқ уйга кўчган пайтлар. Болалар ҳам яқинроқдаги мактабда ўқий бошлашган.

Укамнинг ҳикояси.

Катта қизим негадир бирдан мактабга боргиси келмай қолди. Тиришқоқ, зеҳнли, ўзлаштиришида ҳечам муаммо бўлмаган. Сабабини айтмасди.

Бир кун сухбат орасида ёрилиб қолди. Билсак, баъзи синфдошлари ажратаркан. «Биздан бошқачасан, миллатинг, дининг бошқа, чўчқа гўшти емайсан». Шунга ўхшаш майда-чуйда гаплар. Хуллас, типик дискриминация.

Эртасига мактаб директорига учраб, ҳолатни тушунтирдим, хафа бўлганимизни билдирдим. Директор вазиятни ўрганиб чиқди, синф раҳбари билан қайтиб келди, икковлари кечирим сўрашди. Японча сирасига, эгилиб.

Ҳабибахондан эса бутун синф болалари.

Ажратган болаларнинг ота-онаси ҳам телефон қилиб, узр сўради.

Ўша-ўша ҳаммаси жойида.

Келинимнинг ҳикояси:

International schoolда дарс бераман. Ўқувчилар турли миллат боласи.

Бир кун дарсда бир ўқувчи иккинчи ўқувчини қаттиқроқ туртди.

Урмади, аммо қўполлик — дўстига нисбатан ҳурматсизлик эди.

Бу иши нотўғрилигини, кечирим сўраши лозимлигини тушунтирдим. У эса узр сўрашни истамади. Дарсдан кейин уни олиб қолдик, кўпчилик бўлиб тушунтирдик, у барибир узр сўрамади. Директор ёрдамчиси ота-онасига қўнғироқ қилди, келишларини сўради. То отаси етиб келгунча, кеч кирди.

У воқеани билгач, ўғли билан анча гаплашди. Ва ниҳоят, бола узр сўради. Ўғли учун отаси ҳам.

Эртаси куни ҳамманинг олдида ҳалиги дўстидан кечиришини сўради. Қайтиб қўполлик қилгани йўқ.

Бу оддийгина мисол.

Энг яхши совға

6-синфгача бошланғич синф ҳисобида. Ўқув программаси жуда содда, имтиҳонлар йўқ. 45 минутдан 4 та дарс. Бу босқичда асосий эътибор ахлоққа, муносабатларни ўргатишга қаратилган.



7- синфдан бошлаб чуқурлаштирилган билим берилади. 50 минутдан 6 соатгача. 10 синфдан кейин ўқувчилар, одатда, эрталаб саккиздан олтигача мактабда бўлишади.

Дарснинг ўзида етарли билим олиш қийин, бунинг учун мактабнинг ўзида kai (тўгаракка ўхшаш) бўлими бор.

Ҳар бир бола қизиқишига қараб, kaiга қатнашади. У ерда болаларнинг парламент, саммит, конференцияси ташкил этилади. Ҳаммаси бир нарсага — ўқувчиларни катта ҳаётга тайёрлашга қаратилган.

Дзюку — пулли курс, унга деярли ҳар бир япон ўқувчиси қатнайди.

Хуллас, болаларнинг бўш вақти йўқ, эрталаб дарсга, кейин kaiга, ундан чиқиб, дзюкуга.

Японияда ўқувчилар учун энг яхши совға — курслар (дзюку)га қатнаш учун купон.

Хуллас, шунақа гаплар.


Дилоромхон ЭРГАШЕВА



Тошкентда илк бор ўтказилган давлат объектлари ярмаркасида шаҳардаги 130 дан ортиқ давлат объектлари тадбиркорлар эътиборига ҳавола этилди.

22 округда такрорий сайлов

Хабарингиз бор, 22 декабрь куни Ўзбекистонда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, маҳаллий Кенгашларга сайловлар бўлиб ўтди. Сайловга икки йил мобайнида тайёргарлик кўрилгани, қонунчилик халқаро талаблар асосида такомиллаштирилгани, очиқликни таъминлаш учун барча шароитлар яратилгани тадбирнинг юқори савияда ташкил этилишида муҳим роль ўйнади.



Эътиборлиси, халқимизнинг жамиятда кечаётган ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси ошгани, фаол фуқаролик позицияси шакллангани ушбу муҳим сиёсий жараёнларида яққол намоён бўлди.

Сайловчиларга овоз бериш учун барча шароитлар таъминланди. Хориждаги юртдошларимизга максимал қулайликлар яратилди. Илгари консуллик рўйхатида турганларгина овоз берган бўлса, бу сафар барчага овоз бериш имкони яратилди. Қирққа яқин мамлакатда ташкил этилган эллик бешта сайлов участкасида 112 минг 411 сайловчи овоз бергани қувонарли ҳол, албатта.

Сайловларда 71,1 фоиз сайловчи иштирок этди. Овозларни санашдан кейинги аниқ ҳисоб-китобларга кўра, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловларида 13 миллион 963 минг 627 нафар сайловчи иштирок этган. Бу сайловчилар умумий сонининг 67,8 фоизи демак.

Марказий сайлов комиссиясининг маълумотларига кўра, сайлов жараёни давом этаётган пайтда турли масалаларда аҳолидан мурожаатлар тушиб турди. Хусусан, МСК веб-сайтига келиб тушган 300 тадан ортиқ мурожаатлар қисқа муддатларда кўриб чиқилди ва ҳал этилди. Шу билан бирга, ижтимоий тармоқларда қолдирилган мурожаатларнинг 150 таси ҳам ижобий ҳал этилди.

Дастлабки маълумотларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 150 сайлов округининг 128 тасида депутатлар сайланди. Шу жумладан, Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан – 43 нафар, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан – 35 нафар, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан – 21 нафар, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан – 18 нафар, Ўзбекистон Экологик партиясидан – 11 нафар депутат сайланди.

Ўзбекистонда ўтган сайлов жараёнларини халқаро кузатувчилар, жаҳон жамоатчилиги шаффоф тарзда, демократик талаблар асосида ўтганини эътироф этмоқда.

— Сайловлар яна бир бора қуйи бўғин раҳбарларини ҳушёрликка чорлади, — дейди Бахтиёр Абдураҳмонов. — Чунки энди сайловчилар ювош, қайси томонга етакласангиз кетадиган оломон эмас, балки ҳақ-ҳуқуқини тушунган онгли инсонлар эканини унутмаслик керак. Бунга айни пайтда ижтимоий тармоқларда бўлаётган муҳокамаларни кузатиб ҳам амин бўлиш мумкин. Баъзи ҳудудларда учраган ноҳолис жараёнларни халқнинг ўзи бартараф этди. Такрорий овоз бериш жараёнлари ўтказилиши ҳам фикримиз исботидир. Шунинг ўзи жамоатчилик назорати эмасми?

Эслатиб ўтамиз, қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 22 округда номзодларнинг биронтаси ҳам етарли миқдорда овоз ололмагани сабабли мазкур округлардан депутат сайланмади. Уларда такрорий овоз бериш жараёни ташкил этилади.

Нуриддин УБАЙДУЛЛАЕВ,
«Жамият» мухбири

Яқинда Пастдарғомда қишлоқ хўжалик ходимлари куни муносабати билан катта тадбир ташкил этилди, ҳосил байрами ўтказилди. Ишлаб чиқаришда юқори натижаларга эришган фермерлар меҳнати эътироф этилди, қимматбаҳо ва эсдалик совғалари билан рағбатлантирилди. Бу байрамда миллий удумларимиздан бири бўлган кўпкари томошаси уюштирилди. Унда сўзга чиққан туман ҳокими Шунқор Худойбердиев шундай деди:

ҒОЛИБЛАРГА БАЙРАМЛАР ЯРАШАДИ



— Кўпкари халқимизнинг қадимий миллий ўйинларидан бири. Айниқса у лабзи ҳалол деҳқонларимизнинг мўл ҳосил яратиб, ғалаба нашидасини сурган пайтларида ярашади. Кўпкарида ор-номус, орият курашади. Бунда чавандознинг мардлиги, отнинг зўри одамларнинг кўз-ўнгида намоён бўлади. Туманимизда Марказий Осиё давлатларида ҳам донг таратган машҳур чавандозлар кўп бўлган. Уларни номма-ном санасак, ёши улуғ фуқароларимиз кўз ўнгида ана шу чавандозлар сиймолари намоён бўлиши турган гап.

Пастдарғом — Самарқанд вилоятидаги йирик туманлардан бири. Бу ҳудудда катта ҳажмда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилади. Улар орасида пахта, ғалла, пилла, чорвачилик маҳсулотлари алоҳида ўрин тутади. Айни пайтда балиқчилик, асаларичилик, паррандачилик сингари муҳим жабҳалар ҳам ривожланиш йўлига ўтган. Тумандаги айрим фермерлар бир неча тармоқларни ўзлаштириб, танланган ҳар бир соҳадан фойда олишнинг уддасидан чиқишаяпти. Баъзилари эса каклик, қуён каби бир неча турдаги ноёб ҳайвонот оламига ҳам йўл топишган. Ҳаттоки, айримлар туяқушлар парваришини ҳам йўлга қўйишди.

Бу йил туманда пилла тайёрлаш режаси республикада биринчилардан бўлиб бажарилди. Қабул пунктларига 272 тонна «кумуш тола» етказиб берилиб, белгиланган давлат буюртмаси 130 фоизга уддаланди. Энди эса тайёрланган хомашёнинг асосий қисми туманнинг ўзида қайта ишланмоқда.

Жорий йилда фермер хўжаликларида 37 минг 160 тонна пахта, 54 минг 827 тонна буғдой, 19 минг 890 тонна гўшт, 119 минг 211 тонна сут, 74 миллион 394 минг дона тухум тайёрланди. 97 минг 897 тонна сабзавот, 14 минг 183 тонна полиз маҳсулотлари, 25 минг 497 тонна мева, 18 минг 183 тонна узум етиштирилди.

— Пастдарғомда кейинги йилларда балиқчиликка ҳам катта эътибор қаратилаяпти, — дейди туман ҳокимининг ўринбосари Ҳусан Бўриев. — Ҳозирги кунда туманда 34 та балиқчилик хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилда уларда 962 тонна балиқ етиштирилди. Биргина Тўлқин Жўрамуродов бошлиқ «Пўлат ҳавзаси» фермер хўжалигига балиқчилик учун 16 гектар, лаборатория учун қўшимча 1,15 гектар ер ажратиб берилди. Чунки, фермер учун биринчи галда ер муҳим. Шу ернинг ўзида балиқ урчитиш йўлга қўйилди. Бугун эса фермер хўжалиги бу соҳада бутун туман балиқчиларига хизмат қилаяпти.

Туманда ўтказилган «Ҳосил байрами»да кўплаб илғор фермерлар қимматбаҳо эсдалик совғалари билан рағбатлантирилди. Жумладан тўрт нафар илғор фермерга туман ҳисобидан енгил автомашиналар ҳадя этилди. Шундай рағбатга сазовор бўлганлардан бири, «Холбобо» фермер хўжалигининг раиси Аразтулла Холов билан суҳбатлашдик.

— 2001 йилда фермер хўжалигини ташкил этганимизда ихтиёримизга 10 гектар экин майдонини бириктиришганди, — дейди у. — Ўшанда 5 киши билан иш бошлагандик. Бугун эса 100 гектар ерга эгамиз. Ишчиларимиз 30 нафарга яқинлашиб қолди. 2019 йил биз учун анча баракали келди. Пахтачиликдан олинадиган фойда 278 миллион сўмни, ғаллачиликда эса 110 миллион сўмни ташкил этаяпти. Яна айтишим керакки, бу йил етиштирилган пахта ҳосилини четдан ҳашарчи жалб этмасдан ўз кучимиз билан ҳамда маҳалла аҳли ёрдамида саранжомлаб олдик. Ҳар куни 200 килограммдан ошириб пахта терган теримчилар бўлди. Уларнинг аксари мавсум давомида 5-6 миллион сўм атрофида маблағ ишлаб олишди. Мана бугун туман ҳокимлиги томонидан енгил автомашина билан тақдирландим. Бунинг энг асосий томони машина харажати тўлиқ туман ҳисобидан эканлигида. Меҳнатимга бўлган бундай юксак рағбат мени бундан буён янаям самарали ишлашга, мавжуд имкониятлардан имкон қадар тўлароқ фойдаланишга ундайди.

Қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда йилни ажойиб зафарлар билан якунлаётган туман меҳнаткашлари бугун Янги йилни муносиб кутиб олишаяпти. Ҳаммасидан ҳам туман ҳокимлиги ташаббуси билан байрамни ҳар йилгидан ўзгача ўтказиш, фуқароларнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришларини ташкил этиш билан боғлиқ чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилгани ва уларнинг амалда бажарилаётгани аҳамиятлидир.

Туман марказида байрам тантаналари уюштириладиган майдонда баландлиги 26 метр бўлган арча ўрнатилди. Арча ва унинг атрофи эртаклардаги мисол безатилди. Қорбобо ва Қорқизни томоша қилаётган болалар қалблари, айниқса, қувончга тўлган. Арча атрофида ташкил этиладиган Янги йил томошалари нафақат болаларни, катта ёшдаги одамларни ҳам ўзига чорламоқди. Болаларнинг шўх-шодон кулгулари, ота-оналар қабларидаги қувонч уларнинг бугунги ҳаётдан рози эканликларини англатади.

Ҳар куни республикамизнинг таниқли санъаткорлари иштирокидаги намойиш этилаётган концертлар сари Пастдарғомга қўшни туманлар, ҳатто Самарқанд шаҳри аҳолиси ҳам ошиқиб қолган. Мўъжизаларга бой майдон кеч тушиши билан янада гўзаллашиб, файзли бўлиб кетади.

Хуллас, Пастдарғомда Янги 2020 йил ўзгача қувонч, ўзгача шукуҳ билан қарши олинмоқда. Бу томошалар яхши ишлаган одамнинг яхши дам олишга, мароқли ҳордиқ чиқаришга ҳақли эканлигини, ғолибларга байрамлар яраишини кўрсатиб турибди.

Абдурасул САТТОРОВ,
Алимардон ХУДОЙҚУЛОВ



Мудофаа вазирлиги томонидан 14 январь – Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тадбирларга тайёргарлик жараёнининг бориши, уларнинг мазмун-моҳиятини ОАВда кенг ёритишга бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

Тадбиркор муаммоси биринчи масала

Президентимизнинг «Тадбиркорлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижроси юзасидан жойларда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Самарқанд туманида бу борадаги ҳаракатлар уюшқоқлик билан олиб борилмоқда.

Мазкур масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси туман бўлими мудири Файзиддин Норов билан суҳбатлашдик:



— Қабулхонага қилинаётган мурожаатларнинг барчасини ижобий ҳал этиш чоралари кўрилмоқда Ҳар бир мурожаат kb.business.gov.uz порталиги киритилиб, тегишли ташкилотларга ижро муддати қўйилган ҳолда юборилмоқда. Бажарилиши эса тўлиқ назорат қилинмоқда. Бугунгача тадбиркорлар томонидан 89 та мурожаат келиб тушган. Уларнинг 50 таси тадбиркорлар томонидан тўғридан-тўғри шаҳар ва туман қабулхоналарига юборилган. 32 таси вилоят даражасида, 7 таси ишонч телефони ҳамда business.gov.uz сайти орқали қабул қилинган мурожаатлардир. Келиб тушган мурожаатларнинг 56 таси туман, 32 таси вилоят, 7 таси республика даражасида ҳал этилиши лозим эди.

Соҳалар бўйича қаралганда 24 та шикоятнинг банк кредитлари билан боғлиқлиги, жумладан, «Ҳар бир оила — тадбиркор» давлат дастури доирасида кредит олиш бўйича — 8 та, валюта кредити ажратилиши масаласида 1 та, «Ёшлар — келажагимиз» давлат дастури бўйича кредит ажратиш масаласида 7 та ва яна кредитнинг бошқа турлари бўйича юзага келаётган муаммолар бўйича 8 та мурожаат келиб тушганлиги маълум бўлди. Тадбиркорлик фаолияти учун ер-жой ажратиш масаласида 14 та, бўш турган бино ва иншоотларни ажратиш масаласида 3 та, кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш масаласида 4 та, ҳокимлик қарорларидан норозилик масаласида 1 та мурожат қибул қилинганини ҳам айтиб ўтиш ўринли.

Жорий йилнинг 11 ойи мобайнида қабулхонага келиб тушган жами 96 та масаладан 80 таси ижобий ҳал этилди. Қолган 9 та мурожаат эса, кўриб чиқиш жараёнида ҳал этиладиган масалалар бўлгани учун вақт талаб этилиши ҳисобга олиниб, ҳозирда бу бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Мурожаатлар келиб тушиши секторлар кесимида таҳлил қилинганда, 1-сектор ҳудудидан 9 та, 2-сектор орқали 45 та, 3-сектор орқали 20 та ҳамда 4-сектор орқали 15 та мурожаатлар қабул қилинган.

Кўриб чиқиш жараёнида белгиланган муддатларга риоя этилмаслик ҳолатларига йўл қўйилмаяпти. Аниқроғи, қабулхона томонидан тадбиркорликка оид тегишли топшириқларнинг аниқ амалий натижаларга эришилишини таъминламасдан туриб, уларни юзаки бажаришга йўл қўйилмаяпти. Ҳар бир мурожаатнинг ижро ҳолати тўғрисида маълумотларнинг «business.gov.uz» тизими орқали ўз вақтида тақдим этилиши устидан қатъий назорат ўрнатилган. Мунтазам равишда жойларда тадбиркорлар билан сайёр учрашувларнинг ўтказилиши, тадбиркорлик фаолиятидаги муаммо ва камчиликларни ўрганиш, уларни ҳал этиш бўйича барча зарурий чораларни кўришга жиддий эътибор қаратиляпти. Бюрократик тўсиқлар ва муаммоларни ҳал этиш муддатларининг чўзилиши ҳолатларини бартараф этиш орқали мурожаатларнинг ижро этилиши таъминланмоқда.

Туман қабулхонаси томонидан шу йилнинг 1 декабрига қадар 40 та бўш турган объект жойига борган ҳолда ўрганилган ва муаммолар кўриб чиқилган. Шундан 17 та объектдаги муаммо жойида ҳал этилган ёки назоратга олинган ҳолда ижобий натижага эришилди. 23 та объектдаги муаммолар эса кўриб чиқиш жараёнида бартараф этилади. Ўрганишлар натижасида Бош вазир қабулхоналари, ҳокимлик ва ваколатли органлар томонидан муаммоси кўриб чиқилган объектлардан бугунги кунда 17 таси ишга туширилиб, 68 та янги иш ўрни яратилган.

Тадбиркорларнинг қабулхонага йўллаётган мурожаатларида турмушдаги энг муҳим масалалар, улар фаолиятида юзага келаётган долзарб муаммолар кўтарилмоқда. Бундай мурожаатларнинг ўз вақтида кўриб чиқилиши, ҳал этиш борасида тегишли идоралар билан ҳамкорлик қилиниши эса тадбиркорларни қийнаётган масалаларнинг ижобий ҳал этилишига хизмат қилмоқда.

Абдурасул САТТОРОВ
ёзиб олди.

Мақсадимиз: Аҳолини янги, сифатли маҳсулот билан таъминлаш

25 декабрь куни «Ўзбекозиқовқатхолдинг» компанияси томонидан Тошкент вилоятидаги гўшт ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Master Delikatesov», «ProMeat» масъулияти чекланган жамиятларига пресс-тур ташкил этилди.

Гўшт ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш озиқ-овқат саноатининг муҳим тармоқларидан ҳисобланади. Маълумотларга кўра, бугунги кунда мамлакатимизда йилига 200 минг тоннадан зиёд гўштни қайта ишлаш қувватига эга 381 та корхона фаолият кўрсатмоқда.

«Ўзбекозиқовқатхолдинг» мисолида олинса, айни вақтда компания таркибида жами 400 дан ошиқ корхона мавжуд бўлиб, уларнинг 24 таси колбаса ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Мазкур корхоналар «Rozmetov», «Tegen», «MD» каби брендлар остида ўз маҳсулотларини истеъмол бозорига чиқармоқда.



Сир эмас, мамлакатимизда гўшт ва қайта ишланган гўшт маҳсулотлари таннархи бошқа истеъмол маҳсулотлари таннархига нисбатан юқори. Бу озуқа-ем маҳсулотлари таннархининг юқорилиги, озуқа-ем етиштириш учун ер майдонларининг етишмаслиги, жойларда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш комплексларининг етарлича ривожланмагани билан боғлиқ. Мазкур муаммоларга ечим топиш тармоқнинг кластерлашуви, бир хил ёки бир-бирига боғлиқ соҳаларида фаолият юритадиган ва географик жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган корхоналар ҳамкорлигини йўлга қўйишни ҳам тақозо этади.

Эътиборлиси, «Ўзбекозиқовқатхолдинг» таркибидаги гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар ана шундай самарали усуллардан фойдаланмоқда. Тошкент вилоятида фаолият кўрсатаётган «Master Delikatesov» ва «ProMeat» масъулияти чекланган жамиятлари бунга яққол мисолдир.

«Master Delikatesov» масъулияти чекланган жамияти 2003 йилда ташкил топган бўлиб, фаолиятининг илк босқичларида асосан 10 хил турдаги маҳсулот ишлаб чиқарган. Бугунги кунда корхонада Германия, Австрия ва Беларусь давлатларидан келтирилган замонавий ускуналар ёрдамида 150 хилдан ортик колбаса ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Аҳолини янги, сифатли маҳсулот билан доимий равишда таъминлаб бориш мақсадида Тошкент шаҳар ҳудудида франчайзинг асосида 33 та махсус савдо дўконлари фаолият олиб бормоқда. Бундан ташқари, республикамиз ҳудудида, жумладан Навоий, Бухоро, Қашқадарё, Наманган ва Фарғона вилоятларининг йирик савдо мажмуаларига ҳам корхона маҳсулотлари етказилиб берилади.

Корхона сифат менежменти тизими ISO/IEC 9001:2009 ҳамда Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигининг менежмент тизими ISO/IEC 22000:2005 талаблари бўйича сертификатлаштирилган.

«ProMeat» масъулияти чекланган жамияти 2018 йилда ташкил этилган бўлиб, мазкур корхона йилига 3000 бош қорамолни «Feedlot» (очиқ боқув майдони) технологияси асосида бўрдоқичиликка боқиш қувватига эга. Ўзбекистонда ягона саналган ушбу технологияни жорий этишга «Dairy Global Experts» хорижий компанияси ёрдам берган.

Корхонанинг ем-хашак етиштиришга мўлжалланган ўз экин майдони бор. Замонавий қушхонаси ҳам мавжуд.

Бугунги кунда корхона нафақат «Master Delikatesov» МЧЖга ҳомашё етказиб бермоқда, шунингдек ўз савдо шоҳобчалари орқали аҳолини сифатли ва ҳамёнбоп гўшт, сут билан таъминламоқда.



МЧЖ бўрдоқичилик ва сўйиш қоидаларига мувофиқлигини тасдиқловчи MS 1500: 2009 ва TS OIC / SMIIC 1: 2011 талабларига жавоб берадиган HLL-8471-TR сертификатларига эга.

Пресс-тур давомида ОАВ вакиллари мазкур корхоналар фаолияти билан яқиндан танишди.

«Ўзбекозиқовқатхолдинг» компанияси Ахборот хизмати

ҚИСҚА САТРЛАРДА ЎҚИНГ!

«Чиройли» авторақамлар рўйхати ва уларнинг бошланғич нархлари эълон қилинди.

2019 йил 27 декабрь
№ 51-52 (685)

«Ипотека-банк» акциядорлик тижорат банки жамоаси

IPOTEKA BANK

юртимиз аҳлини Янги — 2020 йил билан муборакбод этади. Она диёримизга янгича сурур бахш этаётган бу улуғ айём қалбларимизга қувонч, рўзғорларимизга осойишталик, файзу барака олиб келсин. Кўнгилларни эзгулик, шодлик ва шукроналик туйғулари тарк этмасин! Озод, обод Ватанимиз истиқболи йўладиги эзгу ишларингизда ҳамиша омад ёр бўлсин!





«Mega Nukus» кўнгилочар савдо мажмуаси олдида Шимоли-ғарбий ҳарбий округ ҳарбий хизматчилари томонидан «Ватанпарварлик – миллий юксалиш кафолати!» шиори остида ватанпарварлик фестивали ўтказилди.

Об-ҳаво

27 декабрь	+14 °C	+4 °C
28 декабрь	+13 °C	+7 °C
29 декабрь	+12 °C	+6 °C
30 декабрь	+9 °C	+5 °C
31 декабрь	+9 °C	+2 °C
1 январь	+11 °C	+3 °C
2 январь	+13 °C	+2 °C

ob-havo.uz сайтидан олинган.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ
ЖАМИЯТ

Муассислар:

Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази.
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.
Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.
Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди.
Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди.
Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
Ўзбекистон экологик ҳаракати.
Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.
«Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society» журнали.

Бош муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Рустам Комилов
Борий Алихонов
Акмал Саидов
Шавкат Жавлонов
Актам Ҳайитов
Адҳам Икромов

Газета таҳририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-1214 Адади: 1403.
Жума куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 6 босма табоқ. Баҳоси келишилган нархда.
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Навбатчи: Нуриддин Убайдуллаев

Дизайнер: Бегали Эшонқулов

100000, Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32.
Маълумот учун телефонлар:
(71) 233-72-77,
233-91-55
Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта: jamiyat@umail.uz
Газета индекси — 131
«ЖАМИЯТ«дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
ЎзА якуни:
Топширилган вақти: 2:05
1 2 3 4 5